
БОБУР БОБОМУРОД

ЮРАГИМ

Шеърлар

Ғафур Ўулом номидаги нашриёт-
матбаа ижодий уйи
Тошкент—2006 йил

84(54)6

Б79

Бобомурод, Бобур.

Юрагим: Шеърлар / Бобур Бобомурод, — Т.: Faafur Fulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy yui, 2006. — 160 b.

Истеъодли шоир Бобур Бобомурод замон ва давр, севги-муҳаббат, вафо ва садоқат, висол ва ҳижрон, замондошлар ва тенгдошлар тақдири, она-Ватан дарди ва келажаги, ҳалқ руҳида шаклланаётган истиқдол ифтихори сингдирилган лирик-фалсафий шеърлари билан аллақачон шеърият муҳлислари қалбидан мустаҳкам жой олган.

Шоирнинг ушбу тўпламидан жой олган асарларида, қардош ҳалқлар шоирлари ижодидан қўлган таржималарида ҳам поклик, муҳаббат, яхшилик, меҳр каби инсоний туйғулар содла, равон, тил жозибасига хос ўйноқи оҳангларга қоришиқ ҳолда тараннум этилган ва бу шеърлар Сиз азиз ўқувчиларга манзур бўлади, леган умиддамиз.

ББК84(54)6

Б 4702620202-23
M352(04)-2006 қатъий буюртма 2006

10-32016
193
ISBN 5-635-02433-5

© Бобур Бобомурод
© Faafur Fulom nomidagi
nashriyot-matbaa ijodiy
yui, 2006 й.

2006/48 Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston M.

Н 1932
б79



ХАЗОН ШИВИРИ

Үлан айтди ўт майин,
Дилга тушди ўт майин.
Нечук энди шеър битмай,
Күшиқ айтмай ўтмайин?!

БЕГОНА

Аслида маконим дил,
гаҳи жону тандаман,
Жаннат эди лойифим,
дил ила гулхандаман.

Ҳайрон айлар қисматим,
бilmam, нечук бандаман,
Ёндирса ҳам дард қалбим,
ҳамиша лабхандаман.

Дунё куйи бошқача,
мен бошқа оҳангдаман.
Ҳамма гул ўзгачадир,
ўзга бўю рангдаман.

Оддийликда майсадек —
номус ила шаъндаман,
Тилломан — қадри пинҳон,
ким билса — ўшандаман!..

Мен бир гулман,
кибор гуллар бўстонига бегона,
Мен бир куйман,
бенаволар достонига бегона.
Мен бир қушман,
кибру ҳаво осмонига бегона,
Топишмоқман —
кўхна дунё чистонига бегона...

МЕХРДАН ЯРАЛГАНМИЗ


Бир элмиз — меҳнатда толмас,
Меҳмонсиз дастурхон солмас.
Саломи беалик қолмас —
Биз меҳрдан яралганмиз.

Бир юртмиз — ола юрмаган,
Деворин баланд урмаган.
Дарвозаси қулф кўрмаган —
Биз меҳрдан яралганмиз.

Бир халқмиз — иймонли банда,
Кимда тўну, кимда жанда.
Дуони қилмаган канда —
Биз меҳрдан яралганмиз.

Бир миллатмиз — матонатли,
Бағрикенгу, адолатли.
Муруватли, саховатли —
Биз меҳрдан яралганмиз.

Бир чехрада қош-кўздекмиз,
Бир куй бўлиб таралганмиз.
Худо берган жон ўзбекмиз —
Биз меҳрдан яралганмиз.



ДАВЛАТ ҚУРГАН ОДАМ

Бир уй қургунча одам,
Чекар қанча ҳасрат, ғам.
Үйлари ўйга етмас –
Хали у, ҳали бу кам.

Ҳақ талашар, жим турмас,
Ҳақ ажратар, лоф урмас.
Режа, ҳисоб, иқтисод –
Буларсиз бир иш юрмас.

Уй битса ҳам иш битмас,
Умр ўтар, вақт кутмас.
Каму күстни бутламоқ –
Хаёли дилдан кетмас.

Кимнингдир күнгли тўлар,
Кимга сал малол келар.
Оилада ҳам, ахир,
Пасту баланд гап бўлар.


Боқиб кўча-кўйига,
Узоқ-яқин бўйига.
Кам бўлмай деб одамнинг –
Ўй қўшилар ўйига.

Ким кўриниб хайриҳоҳ,
Бадният чиқар ногоҳ.

Хүшёр ҳам бўлмоқ керак —
Баридан бўлиб огоҳ.

Бир уйга қанча ташвиш,
Қанча асаб, гап, фиш-фиш.
Роҳатини кўрмоқлик
Насиб этса — катта иш.

Энди фикрлаб теран,
Мард туриб, берайлик тан.
Давлат қурган одамга —
Ахир нечоғлик экан...



ҲАЙФ ДЕРЛАР

Атри бўлмаса гулнинг,
Унга чаман ҳайф, дерлар.
Дарди бўлмаса дилнинг –
Унга бадан ҳайф, дерлар.

Нокаслар куяр доғда,
Мард турмас мушқул чоғда.
Виқор бўлмаса тоғда –
Унга туман ҳайф, дерлар.

Хорнинг гулга йўқ раҳми,
Бад тилнинг ёмон заҳми.
Кимнинг ноқисдир фаҳми –
Унга сухан ҳайф, дерлар.

Кимда жоннинг уйқуси,
Кимда молнинг қайғуси.
Кимда йўқ эрк туйғуси –
Унга Ватан ҳайф, дерлар...



КИМ ҚАНДАЙ ЯШАЙДИ

Абдурағиқ ақага


Тобга келмас, бүшайды,
Асли пүклар яшайды –
Қирқда ҳам пучак бўлиб,
Гул эмас, печак бўлиб.

Гапдан гилам тўшайды,
Майдагаплар яшайды –
Фийбатга дастак бўлиб,
Хотинга пўстак бўлиб.

Иш сўрасанг – қақшайды,
Майдакашлар яшайды –
Гуручда курмак бўлиб,
Ҳаммага эрмак бўлиб.

Сор – бургутга ўхшайды,
Эр йигитлар яшайды –
Фурури терак бўлиб,
Ҳақиқий эркак бўлиб.

Борган жойи яшнайды,
Чин инсонлар яшайды –
Эл-юртга тиргак бўлиб,
Ватанга керак бўлиб...



ОНАМ ЭДИ

Борида соф тургандим,
Қайғу билмай юргандим.
Мен фаришта күргандим —
У менинг онам эди.

Рўзгор дея қон ютган,
Боласига жон тутган.
Ўзини ҳам унутган —
У менинг онам эди.

Дард қўлида эриб жим,
Хизмат қилган келса ким.
Билмаган ором, тиним —
У менинг онам эди.

Мехрда офтоб бўлиб,
Муниса моҳтоб бўлиб,
Сўнг кетган ноёб бўлиб,
У менинг онам эди.

Йўғида бағрим тилдим,
Беармон армон қилдим.
Изин тўтиё билдим —
У менинг онам эди...



СОЙ БҮЙИДА

Иzzатилло ақага


Сув ичида қайроқтош,
Айланару айланар.
Бағримдаги бор бардош —
Сув бүлмоққа шайланар.

Оқиб келар бу сувлар,
Нече жойда бурилиб.
Тош бошида ғулувлар —
Не тошларга урилиб.

Сувлар чопади илдам,
Шиддатига овора.
Айланиб борар тош ҳам,
Силлиқ тортиб тобора...

«Одам боши — сой тоши...» —
Деган нақыл шундандир.
Шириң-аччиқ нон-оши —
Яхши-ёмон кундандир.

Сув бағрида қайроқтош,
Айланару айланар.
Кипригимдан томчи ёш —
Үзилмоққа шайланар...



ДАРАХТЛАР ВА ОДАМЗОТ

I

Айланади күз, баҳор,
Қишу ёз бўлар тақрор.
Эзиб ёғар ёмғир, қор –
Тик туради дараҳтлар.

Ёндириса ҳам гар қуёш,
Илдизин чақса ҳам тош.
Қолмаса ҳам бир бардош –
Тик туради дараҳтлар.

Йилни йилга улайди,
Мева тугар, гуллайди.
Вақти келса, дараҳтлар –
Тик турганча қулайди...

II

«Мен сарвари коинот» –
Деб керилар одамзот.
Жойи келганда, уни
Букиб қўяди Ҳаёт!..




ЖОЙ

Учиб-учиб бирма-бир,
Юлдузлар жой талашар.
Дараахтлар тик турадир —
Иллизлар жой талашар.

Кенг далада түқнашиб,
Күнғизлар жой талашар.
Одамларта ўхشاшиб,
Түнғизлар жой талашар...

Сехри борми жойнинг ё,
Мехри борми жойнинг ё,
Қанди борми жойнинг ё,
Банди борми жойнинг ё...

Боғлаб берганми, худо?!



Ёр кулади ноз билан,
Шириң ёлғон роз билан.
Баҳор келар ёз билан —
Боғингдан қишиш кетганда.

Үтиб маломат, таъна,
Хусумат қолар пана.
Дўстлар кўпаяр яна —
Бошингдан иш кетганда.

Бошинг қолса ҳам омон,
Қадринг сингани ёмон.
Қалбинг инграйди ҳамон —
Бағрингдан ниш кетганда.

Кимлар ҳиринг кулибди,
Нима сиринг билибди.
Нонлар шириң бўлибди —
Оғзингдан тиш кетганда...



ИССИҚҚҮЛ БҮЙИДА

Александр Жумаевга

Келдим бағриніта, мана,
Тенгинг қани, Иссиққүл?
Яккамисан, ягона —
Тенгинг қани, Иссиққүл?

Осмонларга туташган
Сувларингни қўрдим мен.
Жуфтин топмай адашган
Қирғонингда юрдим мен.

Кудратинг айлаб ошкор,
Шиддатлисан, улуғвор.
Ҳайратим такрор-такрор —
Тенгинг борми, Иссиққүл?!


Куч бер менга, тоқат бер,
Куч бер менга, омад бер.
Куч бер менга, мадад бер,
Куч бер менга, шиддат бер!

Чекинсин қайғуларим,
Поклансин туйгуларим.
Ушалсин орзуларим,
Куч бер менга, мадад бер!

Сувларингга бош тутиб,
Юзларимни чайдим мен.

Сувингми, күз ёш ютиб,
Сўзларимни айтдим мен.

Бўлгин меҳрибон она,
Кувват юқтири, Иссиккўл.
Сен чиндан ҳам ягона –
Тенгинг йўқдир, Иссиккўл!..



КОНЦЕРТДА


Ўқтам Аҳмедовга

Тингланг, танбур бўзлаётир,
Не кечмишдан сўзлаётир.
Наволари ерга сигмай,
Осмонларни кўзлаётир.

Кўринг, малак ўйнаётир,
Ўйнаб-ўйнаб тўймаётир.
Уни акиб созу садо –
Жон-ҳолига қўймаётир.

Ҳеч ким афсун қилмаётир,
Ҳайрат якун билмаётир.
Шунча одам тинглаб, кўриб –
Ўз жойидан жилмаётир.

Кўнгил дилга бўйлаётир,
Таманнодан сўйлаётир.
Қайдан мунча сеҳр десам,
Ўқтам булбул қуйлаётир...



ХАЗОН ШИВИРИ

Чумолидай чопамиз,
Тириклик ғивирида.
Не маңнолар топамиз,
Хазонлар шивирида.

Күйган диллар фарёди,
Дилни ўрттар ҳар доди.
Яшилликлар барбоди —
Хазонлар шивирида.

Келгәнмиз-ку, кетамиз,
Күм-тупроққа етамиз.
Биз ҳам овоз этамиз,
Хазонлар шивирида.


Афсоналар түқилур,
Қайта ерга түқилур.
Алвидолар ўқилур,
Хазонлар шивирида.

Номалари армон, ғам,
Ноталари ҳам мотам.
Йиғлар дили бор одам,
Хазонлар шивирида.

Гарчи ҳали ёмғир, қор,
Баҳордан лек умид бор.

Асраса бас авжин тор,
Хазонлар шивирида.

Хар дилда ўзгача ишқ,
Хар дил ўзича ошиқ.
Хаёт ҳақыда қүшиқ —
Хазонлар шивирида...



УЗЛАТГА


Бағрингни айлаб гирён,
Гоҳ серқашам, гоҳ урён,
Эй одам, чопма ҳарён,
Узлатга сен етарсан.

Күпкаридай дунёда,
Не күрардинг зиёда,
Хоҳ отлик, хоҳ пиёда,
Узлатга сен етарсан.

Иллатлардан чарчайсан,
Миннатлардан чарчайсан,
Хизматлардан чарчайсан,
Узлатга сен етарсан.

Сұз айтилмас тұмтарок,
Бұлмас ҳатто жинчироқ.
Ҳеч ким қилмас қүнғироқ –
Узлатга сен етарсан.

Бахтдан сўйлаб ривоят,
Дардинг айлаб шикоят,
Рози бўлиб ниҳоят,
Узлатга сен етарсан...




АРЗИМАЙДИ

Гоҳ эркалаб, гоҳо қопар дунё бу,
Ким йўргалаб, кимлар чопар дунё бу,
Дам йўқотиб, дамда топар дунё бу,
Арзимайди яхши-ёмон бўлишга,
Улгурмайди Ойлар баъзан тўлишга.

Эрталаб йўқ кеча кўрган одаминг,
Тирикда бил, беҳуда сўнг мотаминг,
Омонатдир гадойингу Хотаминг,
Арзимайди буғдой-сомон бўлишга,
Улгурмайди юлдузлар гоҳ кулишга.

Ким инсондир, ундан яхши ном қолсин,
Диллар дилга муҳаббатдан дом солсин,
Қўллар қўлдан меҳр тўла жом олсин,
Арзимайди гулу тикон бўлишга,
Улгурмайди ғунча ҳатто сўлишга.

Қай дарёлар денгизларга етади,
Не жилгалар қумга сингиб кетади,
Дунё шундай қолиб, одам ўтади,
Арзимайди афсус-армон қилишга,
Улгурмайди одам инсон бўлишга...



БОЙОТАНИ БОЛАСИ

Бойотанинг боласи
Дард билмасдан ўсарди,
Беписандлик, шўхликда
Отасидан ўзарди.

Бойотанинг боласи
Ресторанлар кезарди,
Не-не гўзал гулларнинг
Япрофини эзарди.

Бойотанинг боласи
Шум режалар тузарди,
Не-не тоза гулларнинг
Фунчасини узарди.

Бойотанинг боласи
Ўзин бекдай сезарди,
Не-не асал гулларнинг
Юзи у деб қизарди.

Бойотанинг боласи
Хомхаёлда сузарди.
Билмасди — гул қарғиши
Толеини бузарди.

Бойотанинг боласин
Охир ранги бузарди.
Пўлат билагузуклар
Кўлларини безарди...

ҲАМШАХРИМ

Ҳамشاҳрим, кел, хуш келибсан,
Ўнгимми ё туш келибсан.
Сен якка қушнинг ёнига,
Гўё таниш қуш келибсан.

Фарибликнинг нони қийин,
Тилло қадринг бунда – тийин.
Мусулмон ҳам бўласан чин –
Ҳамшаҳрим, кел, хуш келибсан.


Ўзга ўлка – улкан қозон,
Юз йил қайна – қўшилмас қон.
Ўйсиз ўтмас бир бурда нон –
Ҳамшаҳрим, кел, хуш келибсан.

Гапир элим ҳавосидан,
Майли, нарху навосидан.
Таскин топай давосидан –
Ҳамшаҳрим, кел, хуш келибсан.

Софиндим юрт мевасини,
Сўзлашганда шевасини.
Ниқтаб тақдир тевасини –
Ҳамшаҳрим, кел, хуш келибсан.

Ҳаёт кимни қилмас ўйин,
Кечир Бобур фикру ўйин.
Олиб келдинг шахрим бўйин,
Ҳамшаҳрим, кел, хуш келибсан.

Ҳамشاҳрим, кел, хуш келибсан,
Ўнгимми ё туш келибсан.
Сен якка қушнинг ёнига –
Гўё таниш қуш келибсан...




НАҲОТ

Сийратим – бой, суратим – фақир,
Қўрқадилар наҳот дилимдан.

Тикан аро гулламоқ – тақдир,
Қўрқадилар наҳот гулимдан.

Тупроқдан ҳам забунман, оғир,
Қўрқадилар наҳот гилимдан.

Балиқман-ку асли мен ахир –
Қўрқадилар наҳот тилимдан...



ХАЁТ ЎРМОНИ

Ўрмонига кириб қолдим ҳаётнинг,
Кирмай десам ихтиёрим йўқ эди,
Кирмоқча ҳеч интизорим йўқ эди,
Ўрмонига кириб қолдим ҳаётнинг.

Арслонлари панада жой солдирган,
Бўрилари тулкига ов олдирган.
Тошбақаси қуёнин лол қолдирган –
Ўрмонига кириб қолдим ҳаётнинг.

Ўзи қўнгган шохни ўзи болталаб,
Бир тўда қуш томошайи ҳол талаб.
Айиқлари маст кезади бол ялаб –
Ўрмонига кириб қолдим ҳаётнинг.

Бойўғлиси чивинларга дарс берар,
Ўргимчаги фил йўлига ин қуар.
Булбуллари қарға-зоғдан кун сўпар –
Ўрмонига кириб қолдим ҳаётнинг.

Меҳр бериб, меҳр кўрмай ҳайронман,
На озоду, на ободу – вайронман.
Аро йўлда адашган бир жайронман –
Ўрмонига кириб қолдим ҳаётнинг.

Ўрмонига кириб қолдим ҳаётнинг,
Кирмай десам ихтиёрим йўқ эди,
Кирмоқча ҳеч интизорим йўқ эди,
Ўрмонига кириб қолдим ҳаётнинг...

ГАП

Кечә, кундуз ё оқшом дамлар,
Вақти, билмам, түйми, тантана.
Күринишдан тузук одамлар,
Мен ҳақимда гап қипти яна.

Билдим, бордир гуноҳим анча,
Ҳатто кўпин билмас эканман.
Кимдан олдим «гонорар», қанча,
Ҳисобини қилмас эканман.

Тўлишганмиш анча қоматим,
(Демак, шоир турмуши яхши).
Келар эмиш нуқул омадим,
Дўстим эмиш бор ҳофиз, бахши.

Хотињларим уч-тўртта эмиш,
Маъшуқалар эса минг қадар.
Ҳамма мазза бир мени демиш,
Мен бечора ўзим бехабар.

Мошин минмас эмишман атай,
Мен эмишман сохта камтарин...
Қай оғизга не тугма қадай,
Айтаверсин айтар гапларин.

Гапга парвом йўқ менинг асло,
Миш-миш ҳам тоҳ хуш келар дилга.

Менга қизиқ ер ила само,
Булбул күнглим шайдодир гулга.

Майли, айтсин чучук ё аччиқ,
Түкилади балки гуноҳим.
Сочдаги оқ, дилдаги санчиқ –
Бор-йўғимга холис гувоҳим.

Пинҳон тутиб кўзда ёмғири
Одамларга меҳрим беадо.
Нима бўлар, билмам, охирим,
Бандам деган бўлса бас, Худо!..



ТАҚДИР ДЕДИМ

Бахтни тушга йўйдим мен,
Нон топганда тўйдим мен.
Кўп кўрсалар шуни ҳам,
Тақдир дедим, қўйдим мен.

Тузлар ўйди бағримни,
Музлар ўйди бағримни,
Қизлар ўйди бағримни,
Тақдир дедим, қўйдим мен.

Ким мени секин сотди,
Ким мени текин сотди,
Дўст дедим, лекин сотди,
Тақдир дедим, қўйдим мен.


Вафони билмади ёр,
Дўстдан мард келди ағёр,
Ҳаммага ҳам худо бор,
Тақдир дедим, қўйдим мен.

Кимга малол шеър, байтим,
Кимга хаёл ер пайтим,
Қайтар дунё, бер қайтим,
Тақдир дедим, қўйдим мен.

Ғаш бўлма кўп, эй ошна,
Сенда-ку баланд пошна,

Майли, фақат сен яшна,
Тақдир дедим, қўйдим мен.

Бахтни тушга йўйдим мен,
Нон топганда тўйдим мен.
Кўп кўрсалар шуни ҳам,
Тақдир дедим, қўйдим мен...



БУ КҮНЛАР ҲАМ

Кимдир қомат тутиб ўтади,
Кимдир омад кутиб ўтади.
Кутганга бор битта тасалли –
«Бу кунлар ҳам ўтиб кетади».

Кимнинг қўли мудом ошгадир,
Кимнинг йўли тикан-тошгадир.
Кулган – бошқа, куйган бошқадир –
«Бу кунлар ҳам ўтиб кетади».

Кимда кўза, кимда қумғон бор,
Кимда бўза, кимда ёвғон бор.
Рост туолган битта ёлғон бор –
«Бу кунлар ҳам ўтиб кетади».

Кимдир боғу, кимдир чўлдадир,
Дерлар: «Йигит моли йўлдадир».
Ҳасад эмас, ҳавас дилдадир –
«Бу кунлар ҳам ўтиб кетади».

Ким битказиб, битиб ўтади,
Ким ютқазиб, ютиб ўтади.
Умид билан яшайди инсон –
«Бу кунлар ҳам ўтиб кетади».




ЎЗБЕК ҚИЗИ

Меҳр жойлаб кўзларига,
Бол қўшади сўзларига.
Кипригини кўтармайди –
Соя соган юзларига.

Ўзи оддий ўзбек қизи,
Ўзбегимнинг кўздек қизи.
Фариштами дейман чиндан –
Юрса ерда қолмас изи.

Узилмаса ҳамки кўзим,
Қарамасман унга ўзим.
Менга ёқмас ўзгалардек –
Ерда қолар бўлса сўзим.

Чехрасида офтоби бор,
Латофати – ноёби бор.
Кўлларида «Ўткан кунлар» –
Қодирийдан китоби бор...




БУ ГҮЗАЛ

Бу гүзал мисли Ой,
Ягона хушчирой.
Зоти ҳам инсонмас,
Паридир, ҳойнаҳой.

Бўлса ҳам сўзим мой,
Йўлида кўзим сой.
Қайтаман ноумид,
Ёшимдан изим лой.

Йўқ менда битта той,
Отам ҳам эмас бой.
Парининг кўнглида,
Топилмас менга жой.

Бу гүзал мисли Ой,
Ёлиздир хушчирой.
Кутгани бой ўғли,
Ё бойқуш, ҳойнаҳой...



АНОРЛАР ЁРИЛДИМИ

Учрашганим сен билан,
Фасли гул, баҳор эди.
Күнгил сенинг күнгилдан
Сув ичган анор эди.

Кейин дайди ел кезиб,
Баргихазон түктириди.
Анор күнглимни эзив,
Күзёшларга чүктириди.

Анорлар ёрилдими,
Тупроқقا қорилдими?
Менинг алам, зоримдан
Бахтингга борилдими?!

Майли, жоним, бўл омон,
Гина – дардим йўқолган.
Қалбим бағрида ҳамон
Ўшал ишқдан чўғ қолган.

Фақат дема: «Қиши яқин,
Хазон тўкиб, куз кезар...»
Ҳали дилла бор чақин,
Күнгил баҳорни сезар...

Анорлар ёрилдими...



МЕХР

1

Сенга берган меҳримни
Тошга берсам мабодо,
Гуллаб кетарди аниқ,
Ё берарди бир садо.

Сенга берган меҳримни
Билса эди кўқда Ой.
Бахт юлдузи бўларди
Ёки қуёш, ҳойнаҳой.

Сенга берган меҳримни
Гар илон кўрар эди.
Бўларди ипак қурти
Ёки бол берар эди...

На меҳримни билдинг Сен,
На наззора қилдинг Сен...

2

Тошдек совуқда ёндиним,
Ойдай ўзимдан тондим.
Мордек аччиқ тўлғондим,
Сенинг меҳрингсиз, жоним...



ЭРКАК ДАРДИ

Эркакни севар аёл,
Хотини ҳам севади.
У бундан ҳайрону лол,
Икки қушни қувади.

Аёлни йўқлаб келса,
Хотинига хиёнат.
Хотин ёнида бўлса,
Аёл билан шу ҳолат.

Роҳат деса, ором йўғ,
Унга шу даркормиди.
Қалби қолиб ё бечўғ,
Муҳаббатга зормиди?!

Ҳаммага ҳам баҳт ширин,
Фақат тақдир сўзи чин.
Дилда дарди яширин,
У яшамас ўзи-чун.

Осон эмас — ўйласанг,
Бил мушкул эканини.
Гулни агар бўйласанг,
Унутма тиканини.

Ким билса ишқ шартини,
Ким тушунса — кулмайди.
Эркакнинг дил дардини —
Эркакмаслар билмайди!..


РҮМӨЛЧА

Сени күриб қолдим ногаңон йүлда,
Шохи рүмөлчанг ҳам бор эди қўлда,
Кўрдиму титрадим қолгандек дўлда,
Ўзга борар эди белингдан қучиб.

Рўё кўриндими дедим кўзимга,
Қалбим ишонмасди ҳеч бир сўзимга,
Туриб қолдим келиб-келмай ўзимга,
Наҳот ўзга борар белингдан қучиб.

Рўмөлчанг ҳам солди дилга титроқни,
Сен лабимга босиб ширин дудоқни,
Сўнг у билан артар эдинг бўёқни,
Энди ўзга борар белингдан қучиб.

Рўмөлчанг ўшадир, лабларинг ўша,
Кўксингдан учмоқчи каптаринг ўша,
Наҳот айтаётган гапларинг ўша,
Ўзга кетиб борар белингдан қучиб...



Гул булбулни бўйлатур,
Ишқ қангулни сўйлатур.
Кимса билмас давосин —
Дард кишини ўйлатур.

Севиб, билганим шулки
Муҳаббат роҳат эмас.
Севги тиконли гулки,
Асло фароғат эмас.

Бир дард эрур муҳаббат,
Зар гард эрур муҳаббат.
Ҳар ким бажара олмас —
Зўр шарт эрур муҳаббат.

Йиглаюрсан қон ютиб,
Бедор тунлар тонг кутиб.
Ўзинг бежон бўларсан —
Суйганингга жон тутиб.

Севги тиконли гулки,
Захми жароҳат эмас.
Севиб, билганим шулки,
Муҳаббат роҳат эмас...



ИККИ ЯХШИ

Бир яхшига бир ёмон ҳар жойда бор,
икки яхши қайда бор. (*Халқ мақоли*)

Гул чеҳрангнинг акси бўлса – Ойда бор,
Сени Ой демоқдан нима фойда бор.
Ёнингда мен йўқман, ёнимда йўқсан,
Бир яхшига бир ёмон ҳар жойда бор,
Икки яхши қайда бор.

Сен санам, мен гариб – қўшиқ бошлаган,
Фақат сени севиб, кўнгли яшнаган,
Тақдир ўртамизга жарлик ташлаган,
Бир яхшига бир ёмон ҳар жойда бор,
Икки яхши қайда бор.

Балки умрим бўйи сен томон юрдим,
Тушдами, ўнгдами мен сени кўрдим,
Кўрдиму, бағримни захларга бердим,
Бир яхшига бир ёмон ҳар жойда бор,
Икки яхши қайда бор.

Гулим, гарчи қўлим етмайди сенга,
Бу армон қалбимни олмайди енга,
Жонимдан ортиқроқ кераксан менга,
Бир яхшига бир ёмон ҳар жойда бор,
Икки яхши қайда бор.

Қўлинг сенинг доим шундай илиқми,
Қўзинг осмонданам чукур, тиниқми,
Кўнглинг кўнглим каби ярим, синиқми,
Бир яхшига бир ёмон ҳар жойда бор,
Икки яхши қайда бор.

БАХТИЁР БҮЛИНГ

Кимлар толе сўраб юрибди,
Сизга омал тутибди қўлин.
Сизга худо ҳар не берибди,
Сиз ҳаммадан баҳтиёр бўлинг.

Баҳтдан таклиф қўлингизда бор,
Сизни кутар гулбоғлар сўлим.
Биздек ғариб йўлингизда зор,
Сиз ҳаммадан баҳтиёр бўлинг.

Чиройингиз топмасин завол,
Сиз париси муҳаббат қўлин.
Сизни севиб бўлсак ҳам увол,
Сиз ҳаммадан баҳтиёр бўлинг.

Сизга берган гўзаллик кучин,
Шарт этмаган лек вафо йўлин.
Бизни эслаб қийналмоқ нечун,
Сиз ҳаммадан баҳтиёр бўлинг.

Сиз бекамсиз, бу аён фолсиз,
Яшнаяпсиз Ой каби тўлин.
Тилагим бор ягона, ёлғиз —
Сиз ҳаммадан баҳтиёр бўлинг...



МУМТОЗ АДАБИЁТ СОФИНЧИ



* * *

Мұхаббат ихтиёр эт...

Нодира

Осмонда әдим бир пайтлар,
Озигим – илохий байтлар.
Боқсам – нигоҳим ишқ әди,
Десам – сўзим қўшиқ әди.
Мен яна китобга ўтдим,
Мұхаббат ихтиёр этдим.

Ишқ әди асли нусратим,
Қалбимда асрий ҳасратим.
Байт ўқиб – нурга айландим,
Байт тўқиб – дурга айландим.
Мен яна офтобга кетдим,
Мұхаббат ихтиёр этдим.

Пуч ғамлар ҳамласи – горат,
Муборак – руҳий таҳорат.
Ишқ эрур дардлар асили,
Кўнгил – заҳматинг ҳосили.
Мен яна азобга етдим,
Мұхаббат ихтиёр этдим...





*Буюк Пиру устозлар ижоди ҳамиша күнгиллар маңдами,
шығом чашмасидир. Улар битган мисраларга яқинлашиб бўлмас.
Камина самимий ҳавас ила (аруздан бехабар ҳолда, албатт-
та) ушбу машқларни қачондир ёзгандим. Ва Устоз, муҳар-
рир ҳамда муҳлислардан чексиз узроҳлик ила ҳеч бир даъво-
сиз энди ошкор айлашга журъат этдим. Муҳаммас деб ном-
ланиши ҳам анъанага садоқатдандир, холос...*

НАВОИЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Кўзи юлдуз, соchlари тун, ой каби рухсораси,
Жон қушига дон эрур бўйнидаги гулнораси.
Ё Раб, мунча узоқ экан ваъда-вафо ораси,
Маҳвашиким меҳридин бўлдум жаҳон овораси.
Раҳм этиб бир чора қилмас ўлса ҳам бечораси.

Бошқа булбул бўстонида айлайсан кайфу сафо,
Ичим куйиб, ташим қуриб, тортаман жабру жафо,
Фунча фаслинг ёди бирла топгандим дардга даво,
Захмлар қилдинг яна ғам нешидин, эй бенаво,
Бутмиш эрди васл нўши бирла бағрим ёраси.

Оллоҳ-оллоҳ, инсоф берсин Сенга ким, ростингни айт,
Оlam-олам ваъда бериб, вафо қилдинг қайси пайт,
Бошдан ҳушим, дилдан сабрим кетти, леёлмадим: «қайт».

Бевафолар күнгли тонг йүқ лабларингга бўлса сайд,
Қайдаким лаъл бўлса атрофида бўлур хораси.

Дилдан хун оққач ажаб йўқ кўзларимга тўлса ашк,
Бағрим дард ёққач ажаб йўқ кўзларимга тўлса ашк,
Бахт қанот қоққач ажаб йўқ кўзларимга тўлса ашк,
Юзига боққач ажаб йўқ кўзларимга тўлса ашк,
Эл кўзига ёш тўлар қилса қуёш наззораси.

Бобур кўнглин қора этган қора кўзлар макридуру,
Булбул кўксин пора этган ҳосид чуғзлар қаҳридуру,
Ошиқ бағрин ёра этган ширин сўзлар заҳридуру,
Дарди ҳажрингдин Навоий кўнгли, кўкси, бағридуру,
Ҳар бири юз пора-у минг сра ҳар бир иораси.



БОБУР ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Ул май ила жонон қани, эй ёр, не бўлди?
Ул ёр ила даврон қани, эй ёр, не бўлди?
Ул ғам ила армон қани, эй ёр, не бўлди?
Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?
Ул лутф ила эҳсон қани, эй ёр, не бўлди?

Ҳушдин кечиб сени севдим, сен севмадинг ҳеч,
Кўнглим ичра сени билдим, сен билмадинг ҳеч,
Умид бирла сенга бордим, сен келмадинг ҳеч,
Кеттим мени ҳайрон эшигингдин, демадинг ҳеч:
«Ул телбайи ҳайрон қани?», эй ёр, не бўлди?

Не сабаб мен-ла висолни кўзламадинг, оҳ,
Ҳажринг азобига чора изламадинг, оҳ,
Йигит бошим уволига бўзламадинг, оҳ,
Жонимға даво сўзунг эди, сўзламадинг, оҳ,
Жон дардиға дармон қани, эй ёр, не бўлди?

Бобурдан воз кечиб, эй дил, қай дилга етдинг,
Нечун мунча вафосизлиқ йўлини тутдинг,
Орзу каби хонумоним парчалаб кетдинг,
Мундақму эди аҳдки, Бобурни унудинг,
Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?





МАШРАБ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Гар дардимни күйга солсам, синиб тору ағфон ўрттар,
Дийдам тулиб ёшим түксам, ёниб ашким уммон ўрттар.
Беихтиёр дамсар торгсам, қўпиб тўфон макон ўрттар,
Агар ошиқлиғим айтсам, куюб жону жаҳон ўрттар.
Бу ишқ сиррин баён этсам, таги ул хонумон ўрттар.

Ишқ йўлига ҳар ким кирса игна янглиғ қолур урён,
Мум бўлибон ёниб эриб жигарлари бўлур бирён,
Соч толаси каби йўлда хавф ки кўнгул солур ҳар ён,
Кишига ишқ ўтидин зарраи тушса бўлур гирён,
Бўлур бесабру бетоқат, юрак бағри ҳамон ўрттар.

Орази гул, кўзи наргис, лаби фунча, зулфи райҳон,
Чаман аро кезсам эди, гулим билан бўлуб сайрон,
Вале насиб этди тикан, кўнглум йиғлар бўлуб вайрон,
Нечук тоқат қиласай, дўстлар, бу дард ила бўлуб ҳайрон,
Фамим бошқа, алам бошқа, юрагимни ниҳон ўрттар.

Тунлар бедор нола қилдим, хол бўлай деб томогингда,
Дашгда мисли лола қулдим, бол бўлай деб дудоғингда,
Ой юзингга вола бўлдим, парвонаман чироғингда,
Мени бехонумон тинмай куюб ҳар дам фироқингда,
«Нигоро!» деб отинг айтсам ки, шавқингдин забон ўрттар.

Шириң сўздин зиён топдим, тилимними чаён айлай,
Маҳрами роз йўқ ки бугун дарду ҳолим аён айлай,
Адашганда билмам энди ёлғиз бошим қаён айлай,

Қаю тил бирла, әй жоно, сөлинг үсөфинг баён айлай,
Тилим лолу кўзим гирён, сўнгакларни чунон ўрттар.

Орзу-армон бўлди менга аёғингда фило бўлмоқ,
Дийдорингга тўймай зарра, жамолингга гадо бўлмоқ,
Қисматимми сенга етмай, хаёлингда адо бўлмоқ,
На қаттиқ кун экан, дилбар, висолингдин жудо бўлмоқ,
Менинг оҳим ўтиға бул замину осмон ўрттар.

Иzlарингда умрим ўтти, кўрганим йўқ ҳаргиз роҳат,
Тагин васлинг умид этсам, кўрсатмадинг бир мурувват,
Ўзим суйиб, ўзим куйиб, овораман танҳо фақат,
Юракда дарду ғам қат-қат, ки менда қолмади тоқат,
Агар бир заррасин бул вақт десам ишқи баён ўрттар.

Ваъда ёлғон дунёмикин, нечук аҳдингда турмайсан,
Эмди кўзинг тушса ҳамки мендай ғарибни кўрмайсан,
Унутмаган кўнглум ҳаққи дил боғидан бир юрмайсан,
Бу дард ила ҳароб ўлдим, келиб ҳолимни сўрмайсан,
Унум чиқса юракдин бу тану жон, устихон ўрттар.

Кўксим ҳануз нишон эрур, ғамза отиб асло толма,
Ақлимни олиб йўқотдинг, энди ўзга ҳушин олма,
Бобурнику ҳалок этдинг, бошқадан даъвога қолма,
Бу Машраб дардини, жоно, ки ҳеч ким бошига солма,
Агар маҳшарда оҳ урсам, биҳишти жовидон ўрттар.



ФЕРУЗ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Ман дағи мотамсаро, не бўлди, ёрим келмади,
Бағрим чок, сийнам яро, не бўлди, ёрим келмади,
Кўзим хун, рўзим қаро, не бўлди, ёрим келмади,
Бу кеча базмим аро, не бўлди, ёрим келмади,
Ўртади ҳижрон ўтиға йўғу борим, келмади.

Киприклари ханжар киби, кўзлари жаллодким,
Жон қушини қўймадилар бир даме озодким,
Ҳар лаҳзае айладилар ситами бедодким,
Кел деганда «яхши келгум», деб эди, фарёдким,
Билмадимким, не сабаб бўлди, нигорим келмади.

Нўш этиб ишқ шаробидин сидқидил маҳмурман,
Ақлу ҳушдин айро тушиб телбайи машҳурман,
Ёди васли маст айлади, шул сабаб маъзурман,
Неча кундурким қолиб ҳижрон аро маҳжурман,
Тарқатурға жоми васлидин хуморим келмади.

Диллар анга қул турур, ул ҳусн ичра шоҳким,
Гўё мулки кавқаб аро ул ягона моҳким,
Анинг васлин зор истаган неча лак дилҳоҳким,
Келмакига ваъда айлаб эрди бу тун, оҳким,
Ҳаддидин йўлида ошти интизорим, келмади.

Ул пари гар истаса жон кирап ўлук танга,
Ошигини ўлдурмоқ эрур хуш ҳунар анга,
Вале маним тоқатим йўқ бул каби сир фанга,

Орази ҳижронида олам қоронғудур манта,
Равшан айларга юзидин шоми торим келмади.

Нетай, ёрнинг фитнасидин дил армони тоғдек,
Аҳволим кўп забун маним, рақиб кўнгли чоғдек,
Ичим куйиб адо бўлди, гарчи ташим соғдек,
Бўлди базмим гулшани, кетгач хазони боғдек,
Они айларга гулистон нағбаҳорим келмади.

Фийбати эл, афсонаман кўплар ўртасида,
Ёлғуз қолиб бегонаман тўплар ўртасида,
Фунча истаб гирёнаман чўплар ўртасида,
Хор аро гулдек бўлурға хўблар ўртасида,
Сарвиқалду гулжабину гулузорим келмади.

Бекасликда адашдим, найтай, ман эмди, дўстлар,
Карвоним сўнгти йўлга шайлай, ман эмди, дўстлар,
Боз ани йўлчи юлдуз сайлай, ман эмди, дўстлар,
Ишқ сирин кимга шарҳ айтай ман эмди, дўстлар,
Маҳрами розу ниҳону ошкорим келмади.

Не тонг, умр баҳорида Бобур кўнгли куздек,
Ниҳол мисол унай деса даҳр бағри туздек,
Суйимсизнинг суйкалгани тегиб кетар муздек,
Нола айларман туну кун ҳажрида Феруздек,
Кўнглига таъсир этиб афғони зорим, келмади.





* * *

Лоиқдан

Жаҳонга дилбанд бўлиб,
жаҳон нима, билмаймиз,
Замонга фарзанд бўлиб,
замон нима, билмаймиз.

Қарилик етмагунча,
билмагаймиз ёшликни,
Тупроққа кетмагунча,
нишон нима, билмаймиз.

Ташна ҳам қолмагунча,
билмагаймиз сув қадрин,
Оч нафас олмагунча,
ки нон нима, билмаймиз.

Боримиз куймай туриб,
англамаймиз хомимиз,
Тўқмагунча барг – қуриб,
хазон нима, билмаймиз.

Умрга шукрсизлик
бизда зиёда эрур,
Жонимиз чиқмагунча
ки жон нима, билмаймиз...





• • •

Лолекдан

На ранжу азобдан қўрқарман,
На ҳоли харобдан қўрқарман.

Ҳадигим йўқ тўфон мавжидан,
Лек хаси нобопдан қўрқарман.

Ҳисобим пок замона ичра,
Ү-бу қажҳисобдан қўрқарман.

Вақтида шитоб-ла юрадим,
Бул замон шитобдан қўрқарман.

Бир вақт шароб мендан қўрқарди,
Бугун мен шаробдан қўрқарман.



* * *

Лоиқдан

Бу шодон дилимни ношод айладинг, шод бўл,
Менинг орзуларим барбод айладинг, шод бўл.

Сену ишқдан, одамлик меҳру сафосидан
Ҳар не жамлагандим, сен бод айладинг, шод бўл.

Дил лоду фарёдига етарсан деб эдим,
Додим тингламадинг, бедод айладинг, шод бўл.

Сенинг ёдинг хотиримдан кетмас эди ҳеч,
Мени бехотири беёд айладинг, шод бўл.

Сен-ла озод бўлай девдим умр ғамидан,
Мени шодлигидан озод айладинг, шод бўл.

Ҳароб этиб муштоқликда чашмим уйини,
Бегона уйини обод айладинг, шод бўл.

Сенга дилимдек оппоқ баҳт тилайман яна,
Гарчи мента ситам бунёд айладинг, шод бўл.





* * *

Лоиқдан

Бошимиз атрофига айланган чархи гардун,
Дүст каби айланса-да vale душман инчунун.

Булут бағрида Ойнинг қора тортар чөхраси,
Кимнинг күнгли оқ бўлса, бошидадир қора кун.

Барра кўзичоқ ҳали офтобда қуриласдан,
Пўстидан бўлиб жудо, бўғзидан тўкилар хун.

Одамзот ҳам мисоли жаҳонгашта бир қуёш,
Ҳар қанча олға юрса, уни яна кутар тун.

Чархга етгудек бўлиб таралса-да оҳимиэ,
Не садолар фазода фаромушу беунум.

Барча вужудин янчган бу тегирмон абадий
Айланар, навбатида бизни ҳам айлагач ун!





Лоиқдан

Хуснингдаги дилраболик ўлдирап охир мени,
Дардингдаги худнамолик ўлдирап охир мени.

Пешанам толеъида бордир фақат олислигинг,
Васлингдаги нораволик ўлдирап охир мени.

Сени бергач қўлдан мен уарман бошимга қўлим,
Ишқингдаги норизолик ўлдирап охир мени.

Дилмурдаларнинг ёмон кўзларидан қўрқмасман ҳеч,
Чашмингдаги бу ошнолик ўлдирап охир мени.

Олдингда ўлсам майли эди, ва лекин, во дариф,
Ошиқлигим ҳам жудолик ўлдирап охир мени.

Ҳар художўй, ки худо йўлида берарди жонин,
Бехудлик ё бехудолик ўлдирап охир мени!



* * *

Лоқдан

Мендан қайда мақола, нутқу масал етади,
Мен ошиқман, таъбимга танҳо ғазал етади.

Мен аслида азалдан ошиқ шоир етишдим,
Ёзигимдан ёзганда нақши азал етади.

Осмондаку эмасман, аммо мен турған жойға
Ҳар ким етса, дарифким, нүноқ, дағал етади.

Мен шоирман, ки буни ҳар тахтдан ағзал билдім,
Менға амал етгүнча аввал ажал етади.

Қариндош құли билан илдизимни чопаман,
Менға фақат беҳудлик, мендан халал етади.

Юриш-туришим күриб, камбағал дейди каслар,
Кам күнгилнинг зорига бир камбағал етади!





* * *

Лоиқдан

Эй басе, күрдим, каслар шоиртарошлиқ этдилар,
Шеърни танимай туриб, баҳсу талошлиқ этдилар.

Ошно бўлмай туриб замону тириклиқ дардига,
Тилда ошнолик билан даъвои ошлиқ этдилар.

Шеъру суханнинг руҳидан бўса олмоқ ўрнига
Ҳунарни зое айлаб ношуд наққошлиқ этдилар.

Шеъри Ажам қоматига гавҳар шарт эмас, улар
Унинг пок гавҳаридан сарфи маошлиқ этдилар.

Гар сухан кўзларга олов бахш этгувчи эди,
Бу каслар мардум кўзига тупроқпошлиқ этдилар.





* * *

Лоиқдан

Сен бир кун ёрим бўларсан,
ки мен ёрлик этолмасман,
Бир кун менга дил берарсан,
ки дилдорлик этолмасман.

Дилимни оларсан бир кун,
ки оҳи афсус мушти бор,
Фамимни ўйлайсан бир кун,
ки фамхорлик этолмасман.

Гул экарсан бир фаслда,
ки қор ёғиб, ер муз боғлагай,
Мен бечора ўшал дамда
мададкорлик этолмасман.

Хазондек сочилган пайтим,
сен гул каби очилгайсан,
Бошимга келарсан бир кун,
ки даркорлик этолмасман.

Жоним кетиб бўлган дамда,
жон баҳш айлай дейсан кеч,
Дунё ҳасратидан ўзга
бошқа зорлик этолмасман.





* * *

Лоиқдан

Ишқ аввали – құл етмас осмон,
Ишқ охири – құм-тупроқ этак.
Ишқ аввали – орзули достон,
Ишқ охири – армонли зартак.

Ишқ аввали – ёр бүйнида құл,
Ишқ охири – дилдан құл ювиш.
Ишқ аввали – дийдор сари йүл,
Ишқ охири – юзсизни қувиш.

Ишқ аввали – зулфда гул ҳиди,
Ишқ охири – хор-хасға зарда.
Ишқ аввали – дунё соқиби,
Ишқ охири – кишисиз мурда.

Ишқ аввали – мардлик даьевоси,
Ишқ охири – номард тұхмати.
Ишқ аввали – құнгил навоси,
Ишқ охири – дарллар зақмати.

Ишқ аввали – бұса шираси,
Ишқ охири – шүр-аччиқ қаҳри.
Ишқ аввали – ёрнинг чехраси,
Ишқ охири – айрилиқ заҳри.

Ишқ аввали – баҳор ғазали,
Ишқ охири – ҳазон зоҳири.
Ишқ аввали – дунё аввали,
Ишқ охири – дунё охири!



* * *

Лоиқдан

Шоирлар гуноҳи савобдан яхши,
Аччиқ кўз ёшлари шаробдан яхши.
Шошилинг уларнинг бағри базмига,
Оҳларин тутуни кабобдан яхши.



Лоиқдан

Ўзимга ўзимдан бўлак табиб йўқ,
Ўзимга ўзимдан бўлак ҳабиб йўқ.
Умр шундай ўтса, билганим шулки,
Ўзимга ўзимдан бўлак рақиб йўқ!..





* * *

Расул Ҳамзатовдан

Эҳтиросли уч тилак, мана –
Күнгил гүё оташга тўлар.
Бир сулувни қучсайдим яна,
Кейин эса не бўлса-бўлар.

Бўшатсайдим яна бир қадаҳ,
Худо ўзи раҳмимни қиласр.
Бир шеър яна ёзсан ишқ ҳақда,
Кейин эса не бўлса-бўлар.

Сулув қучдим, аммо негадир,
Юрак унга бўлмади тутқун.
Май ҳам гүё бемаза татир,
Аввалгидек шеър сочмас учқун.

Кимдир хабар тарқатибди тез,
Гап оёқсиз чопади илдам.
Сўнмиш олов қалбимда бу кез,
Оқсар эмиш остимда от ҳам.

Мени ўлик рўйхатга қўшиб,
Ғаним бекор тиржайиб кулар.
Бир сулувни қучаман жўшиб,
Кейин эса не бўлса-бўлар.

Бир қадағни симириб яна,
Шеър ёзаман – ўзим ишонған.
Ғалабани қилиб тантана,
Үқим жойлаб қўйгум нишонга.

Шеърим билан ёқаман юлдуз,
Совутолмай вақт ожиз қолар.
Ҳайратларда «воҳ» деб қоласиз,
Кейин эса не бўлса-бўлар!



* * *

Расул Ҳамзатовдан

Булбул навосин тинглаб,
Қолдим маъносин англаб.
Чаман ҳақда куйлар у,
Ватан ҳақда куйлар у.

Шундан овози майин,
Ёқар, тинглаган сайин.
Бошқа қўшиқлар эса,
Жонга тегарди роса...





• • •

Расул Ҳамзатовдан

Ким ғашга тегиб жуда,
Кулаверса бехуда —
Эркакми ўша?

Ким қиличга чап бермай,
Юрган бўлса ғам кўрмай —
Эркакми ўша?

Ким тилак айтганда ҳам,
Чеҳрасин очмаса дам —
Эркакми ўша?

Ким севиб-севилмаса,
Бўса таъмин билмаса —
Эркакми ўша?

Ким сарф айлаб ширин сўз,
Ҳар жононга солса кўз —
Эркакми ўша?

Ким хушомад қилса-ю,
Яна бизни сотса у —
Эркакми ўша?

Ким осто надан ўтиб,
Титраса, қадаҳ тутиб —
Эркакми ўша?

Ким, майли, юз йил ўтса,
Ота уйин унутса –
Эркакми ўша?

Ким қалби тўлиб музга,
Ҳукм чиқарса бизга –
Эркакми ўша?

Ким сўз бериб, бир куни
Қайтариб олса уни –
Эркакми ўша?..

Расул Ҳамзатовдан

Техроннинг кичкина бир дўконидан,
Чимдим хушбўй хинο сотиб олдинг сен.
Эрта оқ тушган йиллар армонидан –
Толани яширмоқ истаб қолдинг сен.

Жоним, сотиб олдинг хинони бекор,
Ўсма ҳам сен учун асло шарт эмас.
Сен ҳамиша ёшсан, гўзалсан, нигор,
Кучли эҳтирос-ла севасан-ку, бас.

Ёниб ўтди йиллар, тингланмай зори,
Дўхтирларни қанча мақтама қат-қат.
Йилларни қайтармас бирор-бир дори,
Ёшликни қайтарар муҳаббат фақат.

Ҳаёт бу ҳаёт-да, табиий, ахир,
Йилдан Йилга кетар кўзларим нури.
Турли ойнак ёзар таниш кўздўхтири,
Тавсия қиласи мўъжиза дори.

Билганин айтади ҳар битта дўхтири,
Лек кўзойнакка дил бермаяпман мен.
Жоним, севгим кўзи ҳамиша ўткир –
Оқ тушган толангни кўрмаяпман мен.



ШОИРЛАР

Шоирлар ошиқдирлар,
Севгига лойиқдирлар.
Севгига содиқдирлар —
Шоирлар ошиқдирлар.

Унвонсиз олим улар,
Жунунда солим улар.
Үзига золим улар —
Шоирлар ошиқдирлар.

Улар ҳофиз — беовоз,
Дил торидан чертган соз.
Дунёга қўйган пардоз —
Шоирлар ошиқдирлар.

Бахтдан кечиб дўстона,
Ғамдан ичиб мастона.
Камтарликда остона —
Шоирлар ошиқдирлар.

Машрабдан мерос дарди,
Қиёмат — оҳин гарди.
Худонинг севган марди —
Шоирлар ошиқдирлар.

Эзгулик фидолари,
Гўзаллик шайдолари.

Мұхаббат адолари –
Шоирлар ошиқдирлар.

Бош-оёқ юрак улар,
Кераксиз керак улар.
Ҳамиша гүдак улар –
Шоирлар ошиқдирлар.

Шоирлар ошиқдирлар,
Севгига содиқдирлар.
Севгига лойиқдирлар –
Шоирлар ошиқдирлар.





ЭЪТИРОФ

Бу дунёда уч-тўрт мард хайриҳоҳ бизга,
Уч-тўртта дили бегард дилогоҳ бизга.
Йўқса дунёнинг бизга ҳуши йўқ асли,
Кун бермасликдан ўзга иши йўқ асли.

Бу дунёда уч-тўрт мард боримиз билар,
Уч-тўртта соҳиби дард зоримиз билар.
Йўқса дунё қучоги тор эди бизга,
Яна қанча қийноғи бор эди бизга.

Бу ҳаётда уч-тўрт зот кўзи бутундир.
Қалбида меҳри бунёд, ўзи бутундир.
Йўқса ҳаёт кечарди зулмат ичида,
Умр шаъми ўчарди турбат кечида.

Бу ҳаётда уч-тўрт зот талабгори биз,
Бори учун умрбод миннатдори биз.
Ҳақ деб жойдан жилганлар ҳамроҳдир бизга,
Мард қадрини билганлар паноҳдир бизга...





АФСУС

Хатолардан, қусурлардан,
Жафолардан, ғуурлардан,
Пинҳон чоху чуқурлардан –
Севги ҳам қарийди, афсус,
Мехр ҳам арийди, афсус.

Маломату бўғтонлардан,
Фийбатлару гумонлардан,
Макру ҳасад, ёлғонлардан –
Севги ҳам қарийди, афсус,
Мехр ҳам арийди, афсус.

Ҳусни жамол атри ўтар,
Ҳайрат хаёл сатри ўтар,
Тоза висол қадри ўтар –
Севги ҳам қарийди, афсус,
Мехр ҳам арийди, афсус.

Минг йил оққан Нилга ўхшаб,
Хазон кўрган гулга ўхшаб,
Зада бўлган дилга ўхшаб –
Севги ҳам қарийди, афсус,
Мехр ҳам арийди, афсус.

Тўзиб кетган жанда каби,
Бева қолган янга каби,
Ейилган бир танга каби –

Севги ҳам қарийди, афсус,
Меҳр ҳам арийди, афсус.

Турмуш нозу тарапнида,
Айблар созу жарангиды,
Күйган күнгил оңангида —
Севги ҳам қарийди, афсус,
Меҳр ҳам арийди, афсус.

Дунёга пок қаралмаса,
Дүст корига яралмаса,
Асралмаса, сүралмаса —
Севги ҳам қарийди, афсус,
Меҳр ҳам арийди, афсус...



* * *

«Күрмаганни күргани қурсин...» —
Деган киши қандини урсин.
Семизликни қўй кўтарар чин,
Одам эса қутурар лекин.

Ўтган сайин умр дамо-дам,
Ҳикматига ишонч мустаҳкам:
Йўқликка гар дош беролса ҳам,
Тўқликка лек чидолмас одам...



ТҮРТЛИКЛАР

* * *

Бекасу бесомон, бебокман,
Дилдарду дилхуну дилчокман.
Бегаму бемалол мисли осмон,
Бетама, бекин мисли хокман.

* * *

Банда обод бўлдим деб харобга кетар,
Дарё лабидан гўё саробга кетар.
Қайда қачон адашдим деб хижолатда,
Англагунча то, хоки туробга кетар.

* * *

Ким мақтанар қўйдим деб узукка тешик,
Ким лоф урар очдим деб осмонга эшик.
Мен бир ҳолга ҳайронман, бир хил ёғочдан
Кимдир тобут ясайди, ким эса бешик.

* * *

Бизнинг ҳаёт – офтобдаги муз,
Эриб кетар етиб келмай куз.
Улгурмайсан на шимиб, ялаб,
Барибир У – мангаликталаб...

* * *

Торни қўйиб, кенгни олади,
Пастни қўйиб, tengни олади.
Куйган сари куйдим тақдирдан –
Бирни бериб, мингни олади...

* * *

Сұзламай дегандим, ахир бўлмади,
Тақдирим бир танти тақдир бўлмади.
Тилло ёшлигимни алдаб олдию,
Ҳам бой бўлмади, ҳам фақир бўлмади...

* * *

Ким кўз-қошинг соғинар,
Ким нон-ошинг соғинар.
Кимсалар бор, воажаб,
Кўзда ёшинг соғинар...

* * *

Нодон ёр дилингга озоринг солар,
Бир гул бердим деб юз баҳоринг олар.
Доно ёр сұхбати жонингта дармон,
Май ичмай мастсану, хуморинг қолар.

* * *

Ҳаёт гоҳ йўлу гоҳ йўлакча экан,
Бахт кимга кўл, кимга кўлмакча экан.
Саломим беалик эмас юргда, лек
Уйда қадр кўрмоқ бўлакча экан...

* * *

Одам бўлмоқ илмин йўли узундир,
Ёлғон баҳт аслида макру афсундир.
Ёринг нодон бўлса қалбинг ҳузундир,
Иффат ила ҳаё боқий ҳусндири...

* * *

Дарди жонга топмай даво,
Кўрдим — булбул айлар наво:
«Тикан севсам бўлмасмиди,
Бевафо гул севгунча то...»



АСИЛ ЮЗИНГ

Йўлим бўйи шитобдасан,
«Дўстман» деган хитобдасан,
Фақат нечун ниқобдасан —
Асил юзинг керак менга.

Қандай маъно қарсагингда,
Тупроқ изи тирсагингда,
Не манфаат истагингда —
Асил юзинг керак менга.

Силаб туриб қурагимни,
Нишон олма юрагимни,
Аввал билдирик керагимни —
Асил юзинг керак менга.

Таваккалдир умрим ҳар дам,
Сабру шукрим дилда бардам,
Мард бўлсанг бас — ёв чиқсанг ҳам,
Асил юзинг керак менга...





БИР ДҮСТ ҲАҚИДА

(Түртликлар туркуми)

Ед бўлмай аҳду қасам,
Ёт томон отилди дўст.
Сотилмас, дўст-ку, десам,
Бемалол сотилди дўст...

* * *

Қасдимга қасд этди дўст,
Афсуски паст кетди дўст.
Одам деб қўл узатсан,
Шайтонга даст тутди дўст...

* * *

Қалбим тифлаб, ёрди дўст,
Қадрим лойга қорди дўст.
Кутмагандим ҳеч ундан,
Наҳот шунга борди дўст?!.

* * *

«Ана сенга» — деди дўст,
«Мана сенга» — деди дўст.
Сохта қадр талашиб,
Юрагимни еди дўст...

* * *

Аслинг аён, сохта дўст,
Наслинг чаён, сохта дўст.
Қай тил ила мен айлай —
Васфинг баён, сохта дўст?!

* * *

Ўзни шаддод этди дўст,
Доду бедод этди дўст.
«Нодон дўстдан ит афзал» –
Нақлин исбот этди дўст...

* * *

Кўзларимнинг кўри – дўст,
Ақлу онгим ғўри – дўст.
Ширин деб умид қилсам,
Пешанамнинг шўри – дўст...

* * *

Кўнгил буткул синди, дўст,
Мехру ишонч тинди, дўст.
Ҳайронмиз айро-айро,
Не қиласмиз энди, дўст?!





ТАРКИ ДҮСТ

Олма бадан қоқади,
Тарки пүст осон эмас.
Күзимдан сув оқади –
Тарки дүст осон эмас.

Күрдим дүстдан хиёнат,
Шу дунёда қиёмат.
Бу оламга сиғмадим –
Тарки дүст осон эмас.

Иzzати пахта экан,
Хурмати сохта экан.
Бағри дилим тиғладим –
Тарки дүст осон эмас.

Шубҳаларни қувардим,
Ахир... Уни севардим.
Қалбим қонаб, йиғладим –
Тарки дүст осон эмас.

Содиқмидим унга мен,
Лойиқмидим шунга мен...
Юрагимни йўқладим –
Тарки дүст осон эмас.

Олма ранги оқарди,
Тарки пүст осон эмас.
Күзим маъюс боқарди –
Тарки дүст осон эмас...



* * *

Қалбим бир синган қадаҳ,
Бу қадаҳда шароб йўқ.
Мендек юраги зада,
Мендек ҳоли хароб йўқ.

Алладими ул санам,
Алдандимми ё манам?!
Ўртар шубҳа-гумонлар,
Маънили бир жавоб йўқ.


Кўнгил учун суюмиз,
Кўнгил учун куямиз.
Ёқар ширин ёлғонлар,
Бундан аччиқ азоб йўқ.

Бағримга етмас ҳаво,
Бўғилди кую наво.
Паст бўлдими осмонлар,
Ёки наҳот офтоб йўқ?!

Ошкор айлаб ўзини,
Кўрсатди чин юзини.
Нечун яна армонлар,
Дўстда энди ниқоб йўқ.

Қалбим бир синган қадаҳ,
Бу қадаҳда шароб йўқ...

КЛИНОЛОГИЯ ДАФТАРИДАН



ШИФОКОРЛАР

*Тошкент шаҳар 17-касалхона
Шошилинч кардиология бўлими
тиббиёт ходимларига бағишиланди*

Бири опа, бири сингил шифокорлар,
Мехрибону қули енгил шифокорлар.

Юрагингиз бўлса хаста, сиз bemорлар,
Тузатарлар секин-аста шифокорлар.

Кўттаргайлар нозингизни, беқарорлар,
Яширгайлар озингизни шифокорлар.

Оҳ чексангиз, қошингизда чин ҳушёрлар,
Парвонадир бошингизда шифокорлар.

Шоирахон шеърга шайдо, кўп дилдорлар,
Сайёрахон қалби дарё, шифокорлар.

Ҳамширалар чин фаришта, хўп дастёrlар,
Умидахон бош ҳар ишда, шифокорлар.

Энг аввало бўлманг касал, йўқса борлар –
Ўзи гўзал, сўзи асал шифокорлар.

Кўрмагандир дардан армон мендай зорлар,
Бобурга ҳам тилар дармон шифокорлар.

Либосидай тоза кўнгил шифокорлар,
Бири опа, бири сингил шифокорлар...



ХОЛ СҮРАНГ

Эй сизлар — тани соғлар,
Беморлардан ҳол сүранг.
Соғ юриб, кайфи чоғлар,
Беморлардан ҳол сүранг.

Гулдек очилинг, сўлманг,
Ногоҳ ҳасратга тўлманг,
Улардек хаста бўлманг,
Беморлардан ҳол сүранг.

Тонглари бедор отган,
Боши ёстиқقا ботган,
Эшикка қараб ётган,
Беморлардан ҳол сүранг.

Бир бош узум, икки нон,
Бас — етса фурсат, имкон.
Таскин топар интиқ жон,
Беморлардан ҳол сүранг.

Дунё тору кенг, майли,
Эмас балки тенг, майли.
Савоб учун дент, майли,
Беморлардан ҳол сүранг.

Соғлиқ қадрига етинг,
Ҳар дам шукrona этинг.
Вақт толиб, келиб-кетинг,
Беморлардан ҳол сүранг.

Дарди бор ҳар бир инсон,
Меҳрдан топар дармон.
Бўлмагай Сизга армон,
Беморлардан ҳол сўранг.

Ҳаёт ширин бир неъмат,
Одам азиз, ганимат.
Бўлинг соғу саломат,
Беморлардан ҳол сўранг...





ИШ

Киёмидин акага

Бобомерос шу меңнат,
Момомерос шу заҳмат.
Эшитган борми «раҳмат»,
Бизга фақат иш қолган.

Бехабармиз боладан,
Жигар, амма-холадан.
Юракдаги ноладан —
Бизда фақат иш қолган.

Умр оқиб ўтганда,
Соғлиқ қўлдан кетганда.
Навбатимиз етганда,
Биздан фақат иш қолар...





ЯҚИН ЎТМИШДА

Бухордан аввал тилло ковладилар,
Бухордан кейин мулло «овладилар».
Хароб айлаб меҳроблару минорларин,
Кўймадилар қадамжою мозорларин.

Шаробни ҳам арzon айлаб, мўл қўйдилар,
Бад ишларга зимдан атай йўл қўйдилар.
Нечаларнинг умри кўиди оқибатда,
Неча яна куяр бўлди охиратда.

Файз қолмади, бузуқ ишлар зоҳир бўлди,
Замона ҳам гўё тамом охир бўлди.
Қаро булат чиққан каби моҳ устина,
Шариф шаҳар оҳ чекарди оҳ устина...





АЁЛ КҮРДИМ

1

Аёл күрдим, эрига
Қилмас гүё илтифот.
Гүё бир «қамчиси» бор,
Үзи ҳам шўху шаддод.

Аммо бирор олдида,
Ёмонламас эрини.
Ортидан ҳам «сиз»лайди,
Ошкор қилмас сирини.

Балки бу сохта ёлғон,
Аслин ҳеч ким билмайди.
Бу аёлни лек ёмон
Дегим сира келмайди...

2

Аёл күрдим, эрини
Гүё қаттиқ сужди.
Ишонмай еру кўкка,
Ҳам қизғониб, куяди.

Сал нарсага лек гүё,
Иzzат-нафси дарз кетар.
Эрининг ҳам йўғу бор
Айбин достон – арз этар.

Эрин ортдан «сен»ласа,
Ихлосларим қақшайди.
Айниқса шу қилиғи
Хиёнатга ўхшайди...



ОТАМГА МАКТУБ

Йигитликнинг фаслида
Дардим оғир, отажон.
Юрак эмас, аслида
Қалбим оғрир, отажон.

Юракда девор бормиш,
Нұраса — жақон тормиш.
Не тушмаган бошимга —
Бу күргилик ҳам ёрмиш.

Сўзим эмас васият,
Ё дардимдан арзият.
Фақат дейман Сиз чекманг
Мени ўйлаб азият.

Кўп ўйладим оламни,
Камига беш боламни.
Бу дунёнинг гуссаси —
Маҳзун қилди ноламни.

Лекин Сиздек отам бор,
Ҳар лаҳзада мададкор.
Дуойингиз туфайли
Менга мудом омад ёр.

Дард хуружи палласи,
Чўкса ҳам дил қальаси.
Бахтимга Сиз нураманг,
Бўлинг кўнглим далдаси.

Ғамим ғамга ботганда,
Ғаним тошлар отганда.
Парвойим келмас, ҳатто
Дўсту ёрим сотганда.

Икки дард озор экан,
Давоси бекор экан.
Бири ноқобил қардош,
Бири нодон ёр экан.

Дунё ҳам работ экан,
Уч кунлик ҳаёт экан.
Бутун қолмоқ чорасиз —
Бир илож сабот экан.

Бўлди ранг-рўйим сомон,
Номус — қаттиқ, ор — ёмон.
Гарчи зарба юракка —
Ҳозир ҳам қолгум омон.

Умидим наво этар,
Юрак рахнаси битар.
Худо хоҳласа, мени
Бу дардлар четлаб ўтар.

Балодан бўлгум ҳалос,
Иродам Сиздан мерос.
Баҳтимга Сиз бор бўлинг,
Жоним Отажон, холос.

Бемор ётиб, ўйлайман,
Юлдузларни бўйлайман.
Қачон меҳру муҳаббат,
Баҳт ҳақида куйлайман?!

Йигитликнинг фаслида
Дардим оғир, отажон.
Юрак эмас, аслида —
Қалбим оғрир, отажон.



УЧРАДИ

Күппа-кундуз ногаңон нозанин ёр учради,
Үзгарди бу кенг жаңон, гүё баҳор учради.

Хаста эди бу юрак, аста деди «ишқ қерак»,
Қолмасин деди армон — севги тақрор учради.

Наво қүшиб баётта, қайтасан дер ҳаётта,
Ёқимли шириң ёлғон айтар дилдор учради.

Ул соҳибчирой эзур, қўлим етмас Ой эзур,
Тинч бошим энди аён — дардга дучор учради.

Кулади шўхи хандон, аҳволим унга пинҳон,
Қайдан бу моҳитобон менга ошкор учради.

Хаёлим олиб қўйиб, дилга ўт солиб қўйиб,
Бобурни айлаб ҳайрон, гўзал ниғор учради.





* * *

Хожатим йўқ бою гадога,
Улар зормас мендек адога.
Кўнгил сўраб, муҳаббат сўраб,
Ёлворгандим қодир худога.

Юрап эдим елдек сарбасар,
Бошда ташвиш, юрак беназар.
Учраг эди кўнгил олувчи,
Лек кўнгилдан топмасдим асар.

Югурадим керак-нокерак,
Бош айланиб, бетаъсир юрак.
Учраг эди севиб қолувчи,
Лек севгидан йўқ эди дарак.

Кувончлардан бўлиб мен жудо,
Ишончларим бўлганда адо.
Кўнгил бору, муҳаббат бор деб,
Сизни менга юборди Худо!





* * *

Тонгдаги нурни күрсам,
ййлайман — сендан дарак,
Сабога бағрим берсам,
ййлайман — сендан дарак.
Ногоҳ интизор турсам,
ййлайман — сендан дарак,
Келармисан, айт, жоним,
күзларимга қайт, жоним.

Гүзал чехранг намоён,
қай томон боқар бўлсам,
Сенга борурман аён,
сув бўлиб оқар бўлсам.
Оқ булат уяр осмон,
қалбимни ёқар бўлсам,
Келармисан, айт, жоним,
кўзларимга қайт, жоним.

Нигор, сенга нигорон,
яна мендек киминг бор,
Ёдинг ила паришон,
яна мендек киминг бор,
Сени соғинган ҳар он,
яна мендек киминг бор,
Келармисан, айт, жоним,
кўзларимга қайт, жоним.



* * *


Юлдузлар кетди оромга,
Сен эса келмаяпсан.
Кундузлар етди оқшомга,
Сен эса келмаяпсан.

Дарахтлар кирди сариққа,
Сен эса келмаяпсан.
Кипригим кирди ариққа,
Сен эса келмаяпсан.

Боғлар ҳам бўлди салқинроқ,
Сен эса келмаяпсан.
Тоғлар ҳам келди яқинроқ,
Сен эса келмаяпсан.

Қалбимга севги баҳодир,
Сен эга, келмаяпсан.
Кўнглимни тутди хавотир,
Сен нега келмаяпсан?!





ЙЎҚЛИГИНГ ВА БОРЛИГИНГ

Йиғлагим келади йўқлигинг пайти,
Яшагим келади борлигинг вақти.
Кўзим азоб кўрар йўқлигинг айтиб,
Менга ҳаёт берар борлигинг бахти!

БУ ҲАЁТ

Кимдир «ўёлим йўқ» дейди,
Кимдир «кўнглим йўқ» дейди –
Армон экан бу ҳаёт.

Кимдир «йўлим йўқ» дейди,
Кимдир «ўлим йўқ» дейди –
Азоб экан бу ҳаёт.

Кимдир «бахтим бор» дейди,
Кимдир «аҳдим бор» дейди –
Яхши экан бу ҳаёт.

Кимдир «болам бор» дейди,
Кимдир «олам бор» дейди –
Шириң экан бу ҳаёт...





* * *

Яхши бўлди – бизлар учрашдик,
Чашмалардай шодон сачрашдик.
Гоҳ бирлашиб, гоҳо ажрашдик,
Яхши бўлди – бизлар учрашдик.

Бизлар бирга оқиб кетамиз,
Кўзимизга боқиб кетамиз,
Ўзимизга ёқиб кетамиз,
Яхши бўлди – бизлар учрашдик.

Шеърларимга илҳомчисан сен,
Шайдо қалбим қувончисан сен,
Энг мусаффо бир томчисан сен,
Яхши бўлди – бизлар учрашдик.

Бир гул каби бекаров пайтим,
Сен туфайли ҳаётга қайтдим,
Ва ўзингга пичирлаб айтдим:
Яхши бўлди – бизлар учрашдик...





ЁМГИР ЁДИ

Ёмғир ёғди, биринчи ёмғир,
Соф севгимиз тимсоли бўлиб.
Яшаш учун ҳақлимиз, ахир,
Ҳақнинг ошиқ инсони бўлиб.

Бизнинг масрур хаёлий дамлар,
Осмон бизни зимдан кузатди.
Чақмоқ чақиб, ёндириди шамлар,
Гулоб қуийб, бизга узатди.

Шодлансин деб мұхабbat халқи,
Нигоҳлардан нигоҳлаб қўиди.
Яратганнинг амри-ла, балки
Осмон бизни никоҳлаб қўиди.

Лаззатли дам, яйрайди бадан,
Кўнгил доим шодликка тўлсин.
Бағримдаги эй, тоза шабнам –
Сизга ёмғир муборак бўлсин!





* * *

Мени эсла — ёғанда ёмғир,
Мени эсла — ёғанида қор.
Мени эсла — гулларга бағир,
Тұлғанида фасли навбаҳор.

Мени эсла — мактуб олғанда,
Мени эсла — ёлғиз қолғанда.
Мени эсла — шириң хаёллар,
Севгимизни ёдға солғанда...

* * *

Күёшли кунлар утар,
Күшлар ҳам учиб кетар.
Бизнинг қүёшли дамлар
Наҳот бизни тарқ этар?!

Күёшли кунлар қайтар,
Күшлар ҳам қўшиқ айтар.
Қайтармикин ўшандা
Бизнинг қүёшли пайтлар?!





ЮРАК ВА ҚАЛБ

(Түртликлар туркуми)

Юракка шабнам инди,
Туш күрганга ўхшайман.
Фақат билганим: Энди
Хаёлинг-ла яшайман...

* * *

Керак эмас бошқаси,
Шу юрагим яхшидир.
Чунки, севгилим, исминг
Энди унинг нақшидир.

* * *

Хаёлинг илҳом солар,
Дардим меники энди.
Юрагим сенда қолар,
Қалбим сеники энди.

* * *

Шеърларимни, хоҳласанг,
Қалбингга айтиб бергин.
Бошқага дил боғласанг
Қалбимни қайтиб бергин.

* * *

Хаста юрак-ла келдим,
Бу жойларга қай куни.
Күнгил билан кетяпман,
Топиб бердинг сен уни...



ИККИ КУН

Икки кунки сени күрмайман,
Хаёлингсиз лекин юрмайман,
Юриб – юрмай, туриб – турмайман,
Икки кунки сени күрмайман.

Нигор, айтгин, қайдасан, қайда,
Күнглим сенсиз эзилди майда,
Келгину, бу соғинчни ҳайда,
Икки кунки сени күрмайман.

Икки кунмас – икки йил, дейми,
Сенсиз қариб қолди дил, дейми,
Шириң жоним бўлди қил, дейми,
Икки кунки сени күрмайман.

Икки кунга шунча бўлса гар,
Ким кутади мендан хушхабар,
Айрилиқдан кўксимда ханжар,
Икки кунки сени күрмайман.

Икки кунки сени күрмайман,
Хаёлингсиз аммо юрмайман,
Юриб – юрмай, туриб – турмайман,
Икки кунки сени күрмайман...





ДҮСТ ДЕБ БИЛГАЙМАН

Бошимдан тоғ ўтганда ҳам,
Сизни дүст деб билгайман.
Ё сайри бор әтганда ҳам,
Сизни дүст деб билгайман.

Менинг жону жақонимсиз,
Йүғу борим — армонимсиз.
Умидланиб күтганда ҳам,
Сизни дүст деб билгайман.

Осмондаги моҳим менинг,
Сизга етмас оҳим менинг.
Етмаса ҳам, етганда ҳам,
Сизни дүст деб билгайман.

Олди жоним жафо ўраб,
Лек ёнмасман вафо сўраб.
Жоним чиқиб кетганда ҳам,
Сизни дүст деб билгайман.

Бахтдан қадаҳ тутганда ҳам,
Сизни дүст деб билгайман.
Ғамдан оғу ютганда ҳам,
Сизни дүст деб билгайман.





САЛОМ БҮЛСИН

Тинглаганинг, жоним, тонг саҳар —
Оташ куйи бўлсин булбулнинг.
Ва, оламни, сен қилсанг назар,
Тутиб кетсин бўйлари гулнинг.
Сенга хуш қалом бўлсин,
Ошиқдан салом бўлсин.

Ногоҳ ўраб ташвишлар турли,
Зериктирса турмуш китоби.
Кунларингни айласин нурли,
Ёруғ этсин севги офтоби.
Ғам-дардинг тамом бўлсин,
Қўнгилдан салом бўлсин.

Хобга кетиб дов-дараҳт, қушлар,
Юз кўрсатса Ою юлдузлар.
Сенинг бўлсин энг ширин тушлар,
Оромингга тегмасин кўзлар.
Хайрли оқшом бўлсин,
Толеъдан салом бўлсин.

Кифоядир борлигинг, бироқ,
Сездим ажиб армонлар кучин.
Ҳавасим оқ, ҳасадим оппоқ,
Сен-ла баҳтли инсонлар учун...
Ҳаётинг айём бўлсин,
Бобурдан салом бўлсин!



КҮРИШГУНЧА

Нигор, мана кетар бўлдим,
Дил қадрига етар бўлдим.
Муҳаббатим номаларин
Сизга атаб битар бўлдим.

Учрашдик биз Сиз-ла, малак,
Тушмиди бу ёки эртак.
Айрилиқни ўйлар бўлсам,
Яна санчиб қўяр юрак.

Кўришдик-ку, шунга шукр,
Эсиз кетмас бўлди умр.
Бирга яхши дамлар бўлди,
Ишқ азоби – тоза ҳузур.

Майли, мени ёт этсангиз,
Кимларнидир шод этсангиз.
Бўлар эдим баҳтли жуда,
Мени баъзан ёд этсангиз.

Сизга баҳтлар тилар бўлдим,
Доим дуо қиласр бўлдим.
Бахтимга Сиз бор бўлсангиз,
Борлигимни билар бўлдим.

Севилганда кўнгил сўлмас,
Севилмаса кўнгил тўлмас.

«Кўришгунча» дейман Сизга,
«Хайр»га ҳеч кўнгил бўлмас.

Кўришганда кўришгунча,
Сайри боғда юришгунча.
Ой нурида туришгунча,
Кўришганда кўришгунча...





* * *

Илҳом деб билганман дил айтса нени,
Ишониб яшадим мен шунга кўра.
Анвалги шеърлардан қизғонма мени,
Ҳозирги шеърлардан қалбимни сўра.

Куним яхши-ёмон ўтди сой каби,
Ўтгани ўтгандир, бўлгани-бўлган.
Кўкда ёлғиз кезган маҳзун Ой каби
Қалбим неча синиб, неча бор тўлган.

Ҳозир ҳам турибман, қаршингда, эркам,
Исмингни такрорлар кўксимда юрак.
Шеърларим мавзуси муҳаббат эркан,
Қалбим бугун сенга баҳшида демак.

«Бугун мени дейсан, эртага уни» —
Деб бекор хаёлга юрганин бориб.
Мен сени севаман — биламан шуни,
Ишонмасанг, кўргин кўксимни ёриб!..

Илҳом деб биламан дил айтса нени,
Ишониб яшайман мен шунга кўра.
Эртанги шеърлардан қизғонма мени,
Бугунги шеърлардан қалбимни сўра...





* * *

Үртамиизда сахро бор,
Кезиб ўтиб бўлмайди.
Үртамиизда дарё бор,
Сузиб ўтиб бўлмайди.

Учрашмасак ҳамки кўнгиллар яқин,
Учрашганда, жоним, кўзларда чақин.

Үртамиизда девор йўқ,
Ўтиб лекин бўлмайди.
Үртамиизда ғубор йўқ,
Етиб лекин бўлмайди.

Учрашмасак ҳамки дил узиб бўлмас,
Учрашганда, жоним, қўл чўзиб бўлмас...





* * *

Омонат туюлар баланд иморат,
Деворин мустаҳкам синчи бўлмаса.
Ҳаёти гуссадан бўлар иборат –
Йигитнинг уйида тинчи бўлмаса.

Ичига тушмайди – татимас оши,
Ёру дўст олдида эгилар боши.
Сочини оқ этар тўкилмай ёши –
Йигитнинг уйида тинчи бўлмаса.

Ўнглата олмайди ҳеч ҳисобини,
Англата олмайди изтиробини.
Шу дунёда кўрар гўр азобини –
Йигитнинг уйида тинчи бўлмаса.

Авжи баҳорида наҳот кузласин,
Зимистонда қалби токай музласин.
Айтинг, оромини қайдан изласин –
Йигитнинг уйида тинчи бўлмаса.

Солиҳа аёлдир иймоннинг ярми,
Уйи тинчга насиб жаҳоннинг ярми.
Бобур айттар: нақддир армоннинг ярми –
Йигитнинг уйида тинчи бўлмаса...



ҲИКОЯТ

«Кўзларинг ўзга» дея,
«Сўзларинг ўзга» дея,
Англамасдан ҳолатим,
Айламанг маломатим.

Олманг хавотир, дўстлар,
Дилда наводир, дўстлар.
Сўзлай сизга ҳикоят,
Тингланг мани ниҳоят.

Бир гўзал бор, чиройли,
Юз-кўзи юлдуз, Ойли.
Гулни севар ул пари,
Гулдан гўзал гулпари.

Ул гўзалга таъриф йўғ,
Юрагимга солди чўғ.
Уни кўргач кўзларим,
Унут бўлди сўзларим.

Шунча йил юриб, дўстлар,
Қанча гул кўриб, дўстлар,
Бундай гулни кўрмадим,
Гулбоғига кирмадим.

Гулдан балки ул пайдо,
Ҳам ўзи гулга шайдо.
Настарин дугонаси,
Атиргул парвонаси.

Бу гўзалга сўз десам,
Тегмасин бир кўз десам.
Холи бўлиб тумори,
Тутди мани хумори.

Гулдан нозик ул пари,
Гўзалларнинг дилбари.
Келтурди у ҳавасим,
Ичга тушди нафасим.

Кўлимга олай десам,
Бағримта солай десам.
Бир кўрганда юз ёндим,
Ўзимданам қизғондим.

Нозлари ярашади,
Кўрганлар қарашади.
Настариндай шўх кулар,
Атиргулдай жон тилар.

Олди ул ихтиёrim,
Тугамас интизорим.
Гар кўрмасам – ҳолим йўқ,
Ўзга бир хаёлим йўқ.

Кўз олдимда жамоли,
Гулдан баланд камоли.
Настариндан шўх кўзи,
Атиргулдан оқ юзи.

Эшитсам овозини,
Кўринг дил парвозини.
Ёнига учай дейман,
Бўйларин қучай дейман.

Күрмаганда оғриниб,
Күрганда ҳам соғиниб.
Шундай күнгил берибман,
Мажнун бўлиб юрибман.

Дардим билдингиз, дўстлар,
Рози бўлинг, сиз дўстлар.
Энди менга даво йўқ,
Ишқдан ўзга раво йўқ.

Ул парини кўрмасам,
Иzlарида юрмасам.
Ҳаётим ҳаёт бўлмас,
Менга бир нажот бўлмас.

Бу менга тақдир азал,
Ул пари шундай гўзал.
Настариндан асалроқ,
Атиргулдан гўзалроқ...





* * *

Кўзлара сурма тортиб,
 ёр, ҳаммани сўйдирасан,
Киприқдан наштар отиб,
 воҳ, жонидан тўйдирасан.
Ақлим олди кўзларинг,
 дилла қолди сўзларинг,
Жонима ўтлар ёқиб,
 токай мани куйдирасан.

Беназир чирой очиб,
 гуллар аро ягонасан,
Настариндай бўй сочиб,
 атиргулга дугонасан.
Кўп сенинг шайдоларинг,
 кўп сенинг адоларинг,
Ёндириб ишқингда, ёр,
 наҳот менга бегонасан.

Чароги хуснингни ёқиб,
 бу оламни ёритасан,
Кўз учида бир боқиб, ёр,
 нозларинг бор этасан.
Сенда доим хаёлим,
 сендан бахту иқболим,
Бобур айтар – нигорим,
 қачон мани ёр этасан...



* * *

Олма отсанг ёр беркинган дарчага,
Күнглинг ўсар ўхшаб мағрур арчага.
Меҳр учун қодир эмас ҳамма ҳам,
Мұхаббат ҳам насиб этмас барчага.

Севган күнгил саксонда ҳам ёш бўлур,
Қўлинг етса, юлдуз оддий тош бўлур.
Висол ичра ҳижрон дарди яширин,
Чин муҳаббат айрилиқда фош бўлур.

Ойни кунга армон этган жудолик,
Оташ тушса, тош бағри ҳам нидолик.
Аҳли ошиқ жондан кечар ёр учун,
Мұхаббатнинг асил шарти фидолик.

Севар киши фариштага дуч келар,
Севмас кишин хаёллари пуч келар.
Ҳаёт учун, ижод учун илҳомдир,
Мұхаббатдан күнгил учун куч келар.

Ёрнинг ишқи тоғу тошни йиқаркан,
Рашки дилни қаро гўрга тиқаркан.
Дерлар: «маъшуқ шаму ошиқ — парвона,
Мұхаббатни чидаганга чиқарган».

Меҳри йўқлар кимга қачон хуш келар,
Улар феъли гўё қорсиз қиш келар.
Меҳр бермас, меҳр кўрмас, во дариф,
Мұхаббат ҳам улар учун туш келар.

Мұхаббат бу иноятдир, нусратдир,
Энг покиза шикоятдир, ҳасратдир.
Оллоҳ учун бандасини севмоқ — баҳт,
Мұхаббат бу ҳидоятдир, раҳматдир...



ҚИЙИН БҮЛСА

Инсон бахти исматда,
Тақдирдан хат тайиндир.
Қийин бүлса қисматда,
Зикри йўққа қийиндир.

Бадлик кўрса ҳар ишда,
Азоби кун сайиндир.
Қийин бүлса турмушида,
Шукри йўққа қийиндир.

Мехр бүлса баётда,
Дил ороми майиндир.
Қийин бүлса ҳаётда,
Фикри йўққа қийиндир...





ЧИН ШОИР

Қалам тишлиб, дод солар,
Кимдир сохта шон учун.
Қоғоз узра от солар.
Кимдир ҳатто нон учун.

Осмондан юлдуз узар,
Кимдир шүх жонон учун.
Ойдин мисралар тузар,
Ой юзли тобон учун.

Бахтдир бўлса дилда чўғ,
Ишқ берган армон учун.
Илҳом келса, ҳожат йўқ,
Кўнгилга фармон учун.

Ҳазратдан меросдир шам,
Ва ибрат иймон учун.
Халқ ғамидан бўлак ғам,
Ғам эмас инсон учун.

Бордир қўлин тилганлар,
Сиёҳ топмай, қон учун.
Мардлар шараф билганлар,
Шеъриятни жон учун.

Чин шоир дилдан озмас,
Зар учун, чопон учун.
Үлса ҳам ёлғон ёзмас,
Зўраки унвон учун...



АЛАМ ҚИЛМАС ЭДИ

Қароғимда яшнар нигоҳ,
Қароғингдан ўпганимда.
Нигоҳимда нима гуноҳ,
Ёноғингдан ўпганимда.

Васлинг орзу иқболимда,
Кимлар ёнди малолимда.
Гап қилдилар, хаёлимда —
Дудоғингдан ўпганимда.

Фариб күнглим яйраб хандон,
Сезар эдим ўзимни хон.
Томоғимда турарди жон,
Томоғингдан ўпганимда.

Етолмайман наҳот сенга,
Сени энди топганимда.
Аlam қилмас эди менга,
Бармоғингдан ўпганимда...





ШУНЧАЛАР

Дармоним қай чўлдадир,
Шунчалар ҳолсизманми?
Ойнинг акси кўлдадир,
Шунчалар ёлғизманми?

Гарчи таниш кўп каби,
Қалбимнинг ташна лаби.
Самимият — дил таъби,
Шунчалар ёлғизманми?

Гулим қизғонар дилим,
Ҳам унга лозим пулим.
Дилимга сочар кулим,
Шунчалар ёлғизманми?

Ҳаммага керакдайман,
Лек якка теракдайман.
Бир ўзим — юракдайман,
Шунчалар ёлғизманми?

Ёлғизлик Худога хос,
Менда Үндан илтимос:
Дўст берсин кўнглимга мос,
Шунчалар ёлғизманми?!





НИМА БҮЛДИ

Нима бүлди, бугун менга нима бүлди?
Хисларимни олмам енга, нима бүлди?
Гүзаллардан қизғонардинг ўзингни сен,
Қайсар күнглим, ахир сенга нима бүлди?

Аввалиму охиримдан күнглим түқдай,
Куз келса ҳам баҳор каби атроф чүғдай.
Дунё гүзал, ҳамма яхши, ҳеч гап йўқдай,
Юракдаги озоримга нима бүлди?

Дўстлар қолиб, ғанимлар ҳам саломлашар,
Боз устига ҳатто кучиб, ачомлашар.
Билмам, недан хурсанд улар, айёмлашар,
Менинг касод бозоримга нима бүлди?

Аччиқ-аччиқ чақар эди, чақмай қўйди,
Йўқ айбимни тақар эди, тақмай қўйди.
Балки билди – фойдаси йўқ, балки тўйди,
Кўйнимдаги ул ёримга нима бүлди?

Хаёлида мени ўйлаб, оҳлар чекар,
Ховлисига менга атаб гуллар экар.
Ўз-ўзидан кўзларидан ёшлар тўкар,
Кўнглимдаги нигоримга нима бүлди?

Бу дунёга ҳушим йўқдир ё бутунлай,
Ҳеч ким билан ишим йўқдир – қандай қулай,
Ёзим билан қишим йўқдир, нима қилай,
Кузда кулган баҳоримга нима бүлди?

Нима бүлди, Сиздай қизга нима бүлди?
Мен-ку майли, гүзал, Сизга нима бүлди?
Бирда кулиб, бирда йиғлар бўлдик бизлар,
Жоним, айтинг, ахир бизга нима бўлди?!



* * *

Насиб этса бир кун бир баҳтли оним,
Күнгил яна қайта гунчалар севдим.
Лек мунча бўлишин кутмовдим, жоним,
Мунча сени севдим, мунчалар севдим?

Кўнгил гунчалабмас, гуллаб юборди,
Бу дунёни ҳечга пуллаб юборди,
Софингларин баҳтга улаб юборди,
Мунча сени севдим, мунчалар севдим?

Сен билан баҳтимга кўзлар тегмасин,
Осмоний аҳдимга сўзлар тегмасин,
Энди бу кўнглимга қизлар тегмасин,
Мунча сени севдим, мунчалар севдим?

Икки олам қолиб, талпиндим сенга,
«Бағримдан кетма» деб ялиндим сенга,
Бир умр соғинар баҳт бердинг менга,
Мунча сени севдим, мунчалар севдим?

Наво бўлиб оқдим, жўш урди қоним,
Севсам — юрагим бир куй чалар севдим.
Мен шунча бўлишин кутмовдим, жоним,
Мунча сени севдим, мунчалар севдим?!





ҚҮРҚАМАН

Ажойибсиз, ажойиб,
Жамолингиз ғаройиб.
Қүрқаман, бир кун бўлманг,
Кўзларимдан Сиз ғойиб.

Дунёдан кўл ювибман,
Эрка оҳу қувибман.
Сиз паризод малакни
Шу ҳолимга севибман.

Қайсар кўнглим ўрланиб,
Қолди Сизга ўрганиб.
Қўрқаман, бир кун савил
Қолмасайди ўттаниб.

Ишқим илғаб кўзимдан,
Кулиб шеъру сўзимдан.
Қўрқаман, бир кун келиб
Зерикасиз ўзимдан.

Сезги ўқдай учганда,
Севги чўғдай учганда.
Қўрқаман, бир кун ўлгум —
Сиз ўзгани қучганда.

Ажойибсиз, ажойиб,
Хаёлингиз ғаройиб.
Қўрқаман, бир кун бўлманг,
Ҳётимдан Сиз ғойиб...



БАЛИҚЛАР ОЛАМИДА

Сирми бу, асотирми?
Ёки сөхр содирми?
Балиқлар ҳам одамдай
Яшашга ё қодирми?

Күринг лаққабалиқни,
Эгаллабди ариқни,
Ағдарай дер қайиқни,
Күчгә учган довдирми?

Акул қаҳр сочади,
Жағларини очади,
Лек наңанғдан қочади,
Зүрдан зўрлар зоҳирми?

Чұртанбалиқ сузади,
Етти дарё кезади,
Хұмбошларни әзади,
Аслида ҳам ботирми?

Қорнин айлаб ногора,
Сузиб юрар зөюра,
Нима қылсын бечора,
Текин емоқ оғирми?

Илонбалиқ буралар,
Үз думига ўралар,

Үндән савол сүралар –
Яшашга чин мохирми?

Мана, гулмоҳ товланар,
Чўғдайин оловланар,
Кўнгил ҳисга овланар,
Дилда сеяги хотирми?

Қанча-қанча чопмадим,
Манглайга қил ёпмадим,
Тиллабалиқ топмадим,
Омад шунча нодирми?

Топганда бўлармили,
Орзуйим билармили,
Толеим кулармили,
Навбатим ё охирми?

Бир балиқ сузар ёлғиз,
Кўзи тула дард, ҳолсиз,
Номи номаълум, эсиз,
Ё шу балиқ шоирми?!





«СЕВАМАН» ДЕНГ

«Севаман» денг аёлга,
Маст айтинг, хушёр айтинг.
«Севаман» денг аёлга,
Пинҳон ё ошкор айтинг.

«Севаман» денг аёлга,
Бесабаб, бекор айтинг.
«Севаман» денг аёлга,
Босабаб, бакор айтинг.

«Севаман» денг аёлга,
Тунда ё наҳор айтинг.
«Севаман» денг аёлга,
Кунда бешумор айтинг.

«Севаман» денг аёлга,
Мисоли алёр айтинг.
«Севаман» денг аёлга,
Софиниб, хумор айтинг.

«Севаман» денг аёлга,
Кўп айтинг, бисёр айтинг.
«Севаман» денг аёлга,
Чарчаманг, такрор айтинг...





ИККИНЧИ ҲИКОЯТ

Дўстлар, яқин келинг сиз,
Дарди ҳолим билинг сиз.
Сўзлай янги ҳикоят,
Сўзим эмас шикоят.

Бир гўзални кўргандим,
Қалбим унга бергандим.
Гўзали чин гўзал жуда,
Унга таъриф бехуда.

Уни илк бор кўрганда,
Хайратдан лол турганда.
Ўйламасдим ҳеч асли,
Насиб этар деб васли.

Ул гўзал йироқ эди,
Чекканим фироқ эди.
Кунлар ўтди шу зайл,
Дилда ортарди майл.

Тегса ҳамки нафасим,
Хурмат эди қафасим.
(Қачон менга ёр бўлди,
Хурматим бисёр бўлди).

Хуллас, кун ўтган сайин,
Ёр меҳри бўлди майин.
У севгимга ён берди,
Гўё менга жон берди.

Дийдорга биз ўргандик,
Күришмасак, ўртандик.
Юлдузимиз чиқди бир,
Үртамиздан кетди сир.

Охир бир кун учрашдик,
Шўх жилғадай сачрашдик.
Олов бўлиб келди у,
Ташналигим билди у.

Мен ҳам ўтда ёнардим,
Дунёлардан тонардим.
Тушмиди ёки рёё,
Осмонга кетдик гўё.

Лаҳзада учиб ўтдик,
Уммондан кечиб ўтдик.
Қўлдан кетди ихтиёр,
Бирга бўлдик баҳтиёр.

Гўзалим гўзал эди,
Асалим асал эди.
Ўт эди, гулхан эди,
Эҳтирос дилдан эди.

Бағримда чекди фарёд,
Бахтимни этди бунёд.
Бу додроҳатдан эди,
«Севгим, баҳтимсан» деди.

Неча қучиб, тўймадим,
Бағримдан ҳам қўймадим.
У мисли хаёл эди,
Мен севган Аёл эди!..

Деди: «Кечирсин Худо,
Сен учун ҳам мен адo».
Мен эса «тақдир» дедим,
«Мұхаббат ҳақдир» дедим...

Бу күн шундай ёд бүлли,
Мәхримиз зиёд бүлди.
Мазаси лабимдадир,
Хумори қалбимдадир.

Дүстлар, нимасин айтай,
Заминга қандай қайтай.
Ахир осмонда учдим,
Бир күчоқ гулхан қучдим...





* * *

Юзлар Ою, қошлар ҳилолий бўлсин,
Кўзлар – юлдуз, нигоҳ зилолий бўлсин,
Майли, сўзим эриш, хаёлий бўлсин,
Аёлда ҳаммаси аёлий бўлсин.

Майли, нозлар бўлсин, карашма бўлсин,
Карашмалар дидга ярашма бўлсин,
Борган жойи жаннат, зар чашма бўлсин,
Аёлда ҳаммаси аёлий бўлсин.

Майли, туши чаппа таъбири бўлсин,
Макри яхшиликка, тадбирли бўлсин,
Бахтини яратсин, тақдирли бўлсин,
Аёлда ҳаммаси аёлий бўлсин.

Майли, рашқлар қилсин, қизғонсин, куйсин,
«Ёр бермоқ – жон бермоқ» маънисин туйсин,
Лек аввал ўз ифрат, қадрини суйсин,
Аёлда ҳаммаси аёлий бўлсин.

Эрини эр қилсин, ерлар қилмасин,
Камини қашқириу шерлар билмасин,
Тилин бекор «бера бер»лар тилмасин,
Аёлда ҳаммаси аёлий бўлсин.

Эри сийлаганни сийлайди эли,
Фийбатмас, ғазаллар сўйлайди тили,
Ўғли ҳам мард ўсар, синмайди феъли,
Аёлда ҳаммаси аёлий бўлсин.

Мөхр нури ёғсин юзу күзидан,
Дил ишқ томон оғсан шириң сүзидан,
Фаришталар ибрат олсан ўзидан,
Аёлда ҳаммаси аёлий бўлсин.

Биз Шарқданмиз, бизни деманг соддалар,
Ўрганганмиз ичиб ишқий бодалар,
Дил жомин синдирап эркакшодалар,
Аёлда ҳаммаси аёлий бўлсин.

Юзлар Ою, қошлар ҳилолий бўлсин,
Кўзлар – юлдуз, нигоҳ зилолий бўлсин,
Майли, сўзим эриш, хаёлий бўлсин,
Аёлда ҳаммаси аёлий бўлсин.





КЕЛИНЧАГИМ

Менда күнгли бор дегандим,
Мента булар ёр дегандим.
Олган эдим ваъдасини,
Бевафолик ор дегандим.
Хаёл бўлди беланчагим,
Йўлга чиқар келинчагим.

Билсам, менга ёр эмаскан,
Кўнглимга ҳеч зор эмаскан.
Янгасига ёлғон йиглаб,
Бир севганим бор демаскан.
Тугиб қўйиб тугунчагин,
Йўлга чиқар келинчагим.

Оқ либосда Ой экан-да,
Қоши қора ёй экан-да.
Алдагани биз ғарибу,
Танлагани бой экан-да.
Ой юзлари тўлинчагим,
Йўлга чиқар келинчагим.

Кўргим келди – кўролмадим,
Сўпар сўзим сўролмадим.
Тўйдан олдин чиқмади у,
Тўйига мен боролмадим.
«Хайр» демай эринчагим,
Йўлга чиқар келинчагим...



ХАФА ҚИЛСАНГ

Яхши бўлар – вафолар қилсанг,
Чидарман ҳам – жафолар қилсанг.
Лекин, жоним, шуни билиб қўй,
Кетаман мен – хафалар қилсанг.

Қўйса ҳамки бағрим ғам тилиб,
Ғурур эмас, қадримни билиб,
Чопонимни елкамга илиб,
Кетаман мен – хафалар қилсанг.

Қолса ҳамки туйғулар увол,
Тўхтатолмас ҳеч қандай девол,
Изоҳ кутмай ва бермай савол,
Кетаман мен – хафалар қилсанг.

Гулим, гулдек кўнглимни бўйла,
Ҳолатимдан ривоят сўйла,
Мени эмас – севгимни ўйла,
Кетаман мен – хафалар қилсанг.

Бир кечада тўкилган тутдай,
Ўзин отган қирғоқча китдай,
Кўрсатмасдан ўлигим итдай,
Кетаман мен – хафалар қилсанг...



ТОПИЛМАС

Иstab кезсам агар ёруғ жақонни,
Менинг учун сендеқ жонон топилмас.
Сүрар бўлсанг агар яхши-ёмонни,
Сенинг учун мендин ёмон топилмас.

Қаро қилди қалбни юзи қаролар,
Мени сенга, сени менга қаролар,
Битармикин энди дилда яролар,
Бирор таскин ёки дармон топилмас.

Муҳаббат билмаслар қаҳр шаштида,
Бизни сарсон айлар ҳажр даштида,
Наҳот яшнар улар роҳат гаштида,
Бу очунда биздек ҳайрон топилмас.

Зоғлар сабаб боғдан булбул кетар, ёр,
Қаро қабо ёпиб сунбул кетар, ёр,
Лек танҳо ўзингда кангул кетар, ёр,
Мундан ортуғ дарду дармон топилмас.

Рози булки, ёrim, ёндиқ иккимиз,
Севги шаробига қондиқ иккимиз,
Бу йўлда жондин ҳам тондиқ иккимиз,
Бобур айтар: «Ишқдан омон топилмас...»

Сўрар бўлсанг агар яхши-ёмонни,
Сенинг учун мендин ёмон топилмас.
Иstab кезсам агар ёруғ жақонни,
Менинг учун сендеқ жонон топилмас...



ТАВБА ҚИЛДИМ

Шоирлар Ҳудонинг эркатойлариридир...

Мұхаммад Юсуф

Билиб-билмай қилганим гуноҳ,
Юрагимни айлади огоҳ,
Уяламан сўрашта паноҳ,
Тавба қилдим ўзингга, Оллоҳ.

Нопок бирон мирим йўқ эди,
Кўнглимда ҳам кирим йўқ эди,
Ва ўзингдан сирим йўқ эди,
Тавба қилдим ўзингга, Оллоҳ.

Кўнгил дедим, ялло демадим,
Кўнгил дедим, тилло демадим,
Худо дедим, «илло» демадим,
Тавба қилдим ўзингга, Оллоҳ.

Дил улашдим дўст ила ёвга,
Озор бермай дедим бировга,
Тушганим бор яху оловга,
Тавба қилдим ўзингга, Оллоҳ.

На ҳасаду, на киним бордир,
Бандангману, «лекин»им бордир,
Мехр — иймон, ишқ — диним бордир,
Тавба қилдим ўзингга, Оллоҳ.

Мени йўқдан бор қилган ўзинг,
Шайдо ошиқ, ёр қилган ўзинг,
Умидвору, зор қилган ўзинг,
Тавба қилдим ўзингга, Оллоҳ.

Мен қизғониб, нени қизғондим,
Күнглиминг бўй – энин қизғондим,
Кўнгил ичра Сени қизғондим,
Тавба қилдим ўзингга, Оллоҳ.

Меҳр кўрдим, меҳрлар бердим,
Яхшилигинг беҳисоб тердим.
Осийдирман, яна не дердим...
Тавба қилдим ўзингга, Оллоҳ.

Билиб-бilmай қиларим гуноҳ,
Юрагимни айлайди огоҳ,
Хижолатда сўрайман паноҳ,
Тавба қилдим ўзингга, Оллоҳ.





ЭНДИ БҮЛМАС

Энди бўлмас ҳеч қувонсам,
Буғдой экиб, арпа ўрдим.
Богим бўлар деб ишонсам,
Деворида шарпа кўрдим.

Энди бўлмас ҳеч қувонсам,
Кулгуларим тугаб кетди.
Бахтим бўлар деб ишонсам,
Орзуларим тутаб кетди.

Энди бўлмас ҳеч қувонсам,
Юрагимни алам еди.
Кўнглим билар деб ишонсам,
«Хато кетди қалам» деди.

Энди бўлмас ҳеч қувонсам,
Ичларимнинг захри бордай.
Ўзин билар деб ишонсам,
Худойимнинг қаҳри бордай...





* * *

Айрилиқнинг оғир замони,
Юлдуз кетар ташлаб самони,
Эгилса ҳам тақдир камони,
Севгим, мени ташлаб кетмагин.

Вақти ҳижрон келса фироқлаб,
Ой ҳам кетар кўқдан йироқлаб,
Иzlaringни қолмай сўроқлаб,
Севгим, мени ташлаб кетмагин.

Фурқат пайти ғамга бўлиб ғарқ,
Қўёш айлар осмонларни тарқ,
Армон гули ҳеч урмасин барқ,
Севгим, мени ташлаб кетмагин.

Қуёш, Ойим, юлдузим ўзинг,
Гулга бермас гулюзим ўзинг,
Ёлғизлигим, ёлғизим ўзинг,
Севгим, мени ташлаб кетмагин...





ТУРНАГИНАМ

Турнагинам, шошма ташлаб кетгани,
Айтгин, менинг бахтли кунларим қани.
Эшигимдан ҳайда қора қарғани,
Турнагинам, шошма ташлаб кетгани.

Бас келарман балки ўзим зөғларга,
Баҳорда чиққум бор сайри боғларга,
Фақат сен дөғ күшма дилда доғларга,
Турнагинам, шошма ташлаб кетгани.

Айрилиқнинг ҳозир эмас маҳали,
Энди келар бирга яйрамоқ гали,
Дегин: «Кетадиган нодон йўқ ҳали...»
Турнагинам, шошма ташлаб кетгани.

Ёвдан ўқ еса ҳам юрагим бутун,
Дўстдан тиф еса ҳам курагим бутун,
Ишонай сенга мен керагим учун,
Турнагинам, шошма ташлаб кетгани.

Ошиқма кўп, дилни ғашлаб кетгани,
Кетсак сўнг кетармиз қишлиб келгани,
Дўстмисан, ёрмисан, жоним, кел, қани,
Турнагинам, шошма ташлаб кетгани...





НИГОР

Атиргул монандим, гунча даҳоним,
Қалбимда ошкорим, кўздан ниҳоним.
Кимлигингиз, айтинг, биласизми Сиз —
Сиз менинг жонимсиз, менинг жаҳоним.

Юрагим ноласин ўхшатиб найга,
Айланди бир умр севмоқقا шайга.
Дилга ёқиб келган лайлившимсиз,
Дилни ёқиб яна кетасиз қайга?

Муҳаббат нелигин биламан, девдим,
Куйиб яна нима қиласман, девдим.
Бошқача бу севги, ўзгача бу ишқ,
Сизни мен айруча, бўлакча севдим.

Нурдан тоза гулим, сувдан ҳалолим,
Сизда бўлса, нетай, фикру хаёлим.
Сизни қизғонаман нафасимдан ҳам,
Бахтимга бор бўлинг, кулиб иқболим.

Қомати қаддимга муносиб ёрим,
Сизга ўтди менинг бор ихтиёрим.
Фариштасиз кўқдан менга аталган —
Исми нигоримсиз, жисми нигорим!..





* * *

Тошдан садо — ун йўқми,
Зулмат аро тун йўқми.
Айтинг, ахир, ёронлар,
Мұҳаббатга кун йўқми?

Ошиқ бағри хүнмиди,
Бошида қуюнмиди,
Кўнгил бир буюммиди,
Мұҳаббатга кун йўқми?

Нетар, севиб-севилса,
Хаёт қадрини билса,
Наҳотки малол келса,
Мұҳаббатга кун йўқми?

Умр ўзи армондир,
Ошиқ кўзи гирёндир,
Андишага қурбондир,
Мұҳаббатга кун йўқми?

Тақдир, ахир, ғайб-ку,
Мехрисиз дил майиб-ку;
Севгисизлик айб-ку,
Мұҳаббатга кун йўқми?!





* * *

Шабнамим, оғримадинг,
Соғинган чөғ — инмадинг.
Күзим сахролар бўлди,
Наҳотки соғинмадинг?

Айтгин, бехатармисан,
Хушҳол, бекадармисан,
Шунча бехабармисан,
Наҳотки соғинмадинг?

Ноз қилмай, келмайсанми,
Сўнг, майли, кулмайсанми,
Севишим билмайсанми,
Наҳотки соғинмадинг?

Шартми дардлар уйишим,
Рашкингда ҳам куйишим,
Эркалашим, суйишим,
Наҳотки соғинмадинг?

Шабнамим, оғримадинг,
Соғинган чөғ — инмадинг.
Бағрим сахролар бўлди,
Наҳотки соғинмадинг?!





* * *

Ишқ уммонига кирган
Ошиқ қайтиб чиқарми?
Гар бўлмаса дард кўрган
Кўшиқ айтиб чиқарми?

Мұҳабbat касалига
Даво топиб бўларми?
Тан бермай асалига,
Ёрни ўпиб бўларми?

Севиб, йиглаб-кулмаган,
Бирорга баҳт тиларми?
Ишқ дардини билмаган,
Ёр қадрини биларми?

Дил кетмаса қийиндир,
Майни ичиб бўларми?
Жондан кечиш мумкиндири,
Ёрдан кечиб бўларми?!





ДАРДИНГНИ БЕР

Фамлар аро ёлғизлик ёмон,
Осмон узок, қаттиқ келар ер.
Нигоҳ ташла, дўстим, мен томон,
Дардингни бер, ташвишларинг бер.

Майли, айтгин аламларингдан,
Мен томон кел ситамларингдан,
Ўргиламан қадамларингдан,
Дардингни бер, ташвишларинг бер.

Ёки чорла, борай мен ўзим,
Бардошингга тилайман тўзим,
Сени кўрса тирилар кўзим,
Дардингни бер, ташвишларинг бер.

Сенга менсиз балки бут иқбол,
Бахт насибинг бўлсин бемалол,
Бергин, бари мен учун ҳалол,
Дардингни бер, ташвишларинг бер.

Дўст, борлигинг боримдан буюк,
Оромларинг жонимдан суюк,
Мен шунчаки бўлмайман куюк,
Дардингни бер, ташвишларинг бер.

Фуссаларда ёлғизлик ёмон,
Ёлғизликда ожизлик ёмон,
Дўстим, бўлгин ҳамиша омон,
Дардингни бер, ташвишларинг бер...



* * *

Бўлмай кетди ростданам,
Хўрсишиб оғринаман.
Инсофлари оз санам,
Мен сени соғинаман.

Кўз тегди хуш чоғимга,
Ҳазон кирди боғимга,
Ачинмай дил доғимга,
Мен сени соғинаман.

Ҳол сўр кўз-гирёнимдан —
Узр сўпар жонимдан,
Сени кўрган онимдан,
Мен сени соғинаман.

Кўчарми деб бу дардлар,
Ёздим бесамар хатлар,
Ёсса-ёзмасам, баттар,
Мен сени соғинаман.

Айт, илинжинг — зормиди,
Кўнглинг асли ёрмиди,
Ёмонлигим бормиди,
Мен сени соғинаман.

Ёмон ўтказдинг қадринг,
Келмади жавоб сатринг,
Таралгайми хуш атринг,
Мен сени соғинаман.

Бўлмай кетди чинданам,
Ўртаниб оғринаман,
Излаб куну тунданам,
Мен сени соғинаман...



БУ ТҮЙФУ

Мендан баланд бу түйфу,
Ерларда суринмайди.
Жоним ҳам ҳатто, ёху,
Күзимга күринмайди.

Мендан кучли бу түйфу,
Суягим кукун этар.
Ёндириб қалбимни у,
Оҳларим тутун этар.

Мендан улкан бу түйфу,
Юрагимга сиғмайди.
Күзимдан тошган қайфу –
Юзим тирнаб, йиглайди.

Мендан ёмон бу түйфу,
Сени севдирди менга.
Мени мендан олдию,
Лекин бермади сенга...





КЕЛАР

Нималар бўлдию, бўлар – билмайман,
Билса буни балки юрагим билар.
Ҳеч кимдан ҳеч нарса даъво қилмайман,
Сенга ойдин баҳтлар тилагим келар.

Майли, мени унут, майли, мендан кеч,
Армону аламда ўртанияма ҳам ҳеч,
Сени дуо айлаб, жоним, эрта-кеч,
Жонимни жонингга улагим келар.

Ёмонлик ҳақида ўйлолмайман ҳам,
Худодан бошқага сўйлолмайман ҳам,
Ўзингдан ўзгани куйлолмайман ҳам,
Исмингни нурларга белагим келар.

Майли, тош отсинлар, пойлаб йўлимни,
Майли, тор этсинлар ўнгу сўлимни,
Юлиб ололмаслар, ахир, кўнглимни,
Умримни ишқингга тўлагим келар.

Сени қандай севдим – билолмас ҳеч ким,
Буни тасаввур ҳам қилолмас ҳеч ким,
Сўнгти дамимда ҳам бошим узра жим –
Сочилган сочингни силагим келар...





ЖОНИМ АТИРГУЛ

Чирою күрки билан топар қадр гул,
Хуш бўйи ҳам бўлмаса, ахир, надир гул.
Нигори ўқтамимсан, ҳам кўркамимсан,
Тиконинг ҳам бор экан, жоним атиргул.

Бутогингга мисли хас кўнглим илинди,
Бўйларингга бўлди маст кўнглим, билинди,
Бўйнингга лек чўзсам даст — кўнглим тилинди,
Тиконинг ҳам бор экан, жоним атиргул.

Гулнинг тикони бўлар — билардим зеро,
Тотганим бор заҳри ҳор лоладан ҳатто,
Хаёл кетиб қолибди ўзингга аммо,
Тиконинг ҳам бор экан, жоним атиргул.

Сендан қолай демайди нигоҳим бўлса,
Узримни қабул айла гуноҳим бўлса,
Барибир қўл чўзардим огоҳим бўлса,
Тиконинг ҳам бор экан, жоним атиргул.

Бағрим яроси узра уюлар тупроқ,
Нозингдан дилга тағин қуюлар титроқ,
Санчганинг сайин яна туюлар юмшоқ,
Тиконинг ҳам бор экан, жоним атиргул...





ЮРАГИМ

Бехато отилган тир синиб кетди,
Күп синганди, яна бир синиб кетди.
Тир отган дўстларга боқар экан жим,
Юрагим оҳиста хўрсиниб кетди.

Дусту ёр, ёв учун эзилиб кетди,
Кўзёш маржонлари тизилиб кетди.
Раҳмим йўқ эди ҳеч, дард ўтганда, лек
Юрагим борлиги сезилиб кетди.

Дунё унинг феълин ҳис қилиб кетди,
Олтин орзуларин мис қилиб кетди.
Дунёю оламдан гинаси йўқдир –
Юрагим одамдан сиқилиб кетди.

Кимнинг яхшилиги яшнатиб кетди,
Кимнинг ёмонлиги қақшатиб кетди.
Мехрини қуёшдай сочиб баробар,
Юрагим ўзини ушатиб кетди.

Доги узра тағин доғ иниб кетди,
Билмам, нималардан оғриниб кетди.
Кун кўрмай зулматда ёнар экан жим,
Юрагим тонгларни согиниб кетди...





МАЖНУНТОЛ ТАГИДА

Мажнунтол тагида, сувнинг бўйида,
Бир-бирига тўймай, ширин ўйида,
Ўтирас икковлон севги кўйида,
Мажнунтол тагида, сувнинг бўйида.

Йигитнинг бағрида сулув мисли Ой,
Сулувга йигитнинг бағри асли жой,
Дунёда энг бахтли шулар, ҳойнаҳой,
Мажнунтол тагида, сувнинг бўйида.

Йигитнинг сўзланар асал сўзлари,
Сулувнинг сузилар гўзал кўзлари,
Оlamda ҳеч ким йўқ – танҳо ўзлари,
Мажнунтол тагида, сувнинг бўйида.


Юлдузлар жимиirlар шундоқ фалакда,
Шаббода айланар оташ юракда,
Йигит ҳам чаккимас, сулув малак-да,
Мажнунтол тагида, сувнинг бўйида.

Фусункор оқшомнинг ҳавоси ёқар,
Ой ҳам осмонидан ҳавасда боқар,
Үртада муҳаббат навоси оқар,
Мажнунтол тагида, сувнинг бўйида...



ЁЛФИЗ ЎТГАН КЕЧАЛАР

Жоним титраб турибди мана,
Дардим тинглаб кўкда Ой озди.
Тонг отгунча бу оқшом яна –
Мен сўзнимас, сўз мени ёзди.





ҚАДРИНГ БИЛАР ЁР БҮЛМАСА

Буюрмайди югурган билан,
Толе мададкоринг бўлмаса.
Юрагингга санчилар тикан,
Қадринг билар ёринг бўлмаса.

Қайда қолар орнинг орлиги,
Маълум бўлар дунё торлиги,
Эзаверар қадринг хорлиги,
Қадринг билар ёринг бўлмаса.

Юлдузларга етмайди қўлинг,
Иқбол сари элтмайди йўлинг,
Ором нима – билмайди кўнглинг,
Қадринг билар ёринг бўлмаса.

Аждар оғзи гўё намоён,
Ўйлаб, ўйинг топмайди поён,
Кунинг ғамда ўтмоғи аён,
Қадринг билар ёринг бўлмаса.

Яшолмайсан беармон, бекам,
Ҳаётингдан кўнглинг тўлмаса.
Умринг куйиб ўтади экан –
Қадринг билар ёринг бўлмаса.





БИР КУН КЕЛИБ

Бир кун келиб, ёдга оласан,
Менинг оташ севгимни қайтиб.
Юрагингни, исмимни айтиб,
Тиғлайсан сен, тиғлайверасан.

Бир кун келиб, излаб қоласан,
Изларимни, бўлса ҳамки кеч.
Менсиз еру осмонларга ҳеч,
Сигмайсан сен, сигмайверасан.

Бир кун келиб, фарёд соласан,
Фурурингдан қолмайди асар.
Кўз ёшингдан қилмайсан ҳазар,
Йиғлайсан сен, йиғлайверасан...





Н.дан

Жон-жонимдан бўзлаяпман,
Сўзим билманг шикоят деб.
Ўз-ўзимга сўзлаяпман –
Кимса билмас ҳикоят деб.

Юрибман-да одамман деб,
Кимга даркор, ҳамдамман деб.
Бирор ҳолим сўрмас маним,
Қандай айтай «бекамман» деб.

Жоним, сиздан гинам йўқдай,
Сўниб борар севги чўғдай.
Томчи-томчи оғу бўлиб,
Армон занглар дилда ўқдай.

Турмушимиз ўтсиз тошдай,
Совиб қолган чою ошдай.
Яшаяпмиз биз иккимиз –
Нари борса қариндошдай.

Сиз ишонманг кулганимга,
Гёё Ойдай тўлганимга.
Ичим куйиб кетган маним,
Анча бўлган... ўлганимга.

Ўз-ўзимга сўзлаяпман,
Кимса билмас ҳикоят деб.
Жон-жонимдан бўзлаяпман –
Сўзим билманг шикоят деб...




* * *

Дунё иши қизиқ азал,
Хаёт асли зарбулмасал.
Боларида қолмас асал,
Табиб десанг — ўзи касал.

Аравани тортган бошқа,
Ўтирганнинг қўли ошга.
Шоли ичра курмак яшар,
Кўл баҳона кўлмак яшнар.

Гар ўзингдан чиқса бало,
Тополмайди ҳеч ким даво.
Умид қилсанг ҳимматидан,
Бошинг чиқмас миннатидан.

Тиш синдирап миннатли ои,
Аlam тоғи эгади бош.
Санчаверса тикон гулинг,
Гулга кирар қачон дилинг?!



* * *

Топдим деманг болафақир, соддасини,
Сопидан ҳам жудо этманг болтасини.
Ишонсангиз қайтар дунё деганига —
Боласига ёмонламанг отасини.

Қирқ йилдамас, қирқ кунда ҳам қайтар ҳозир,
Сиз бирөвга қози бүлманг, бүлманг нозир,
Үзингизга ҳүшёр бўлинг, бўлинг ҳазир,
Боласига ёмонламанг отасини.

Этни қандай айирасиз тирноғидан,
Гулни нечук қайирасиз бутоғидан,
Кўрқмайсизми сиз виждоннинг қийноғидан,
Боласига ёмонламанг отасини.

Дили кўрлар билолмайди дил сирини,
Инсон тақбир қилолмайди тақдирини,
Пайти келиб, англар улар бир-бирини,
Боласига ёмонламанг отасини.

Бола кўнгли фариштадек, шайтон бўлманг,
Хусуматнинг шамолига айвон бўлманг,
Бир кун қайтса ўзингизга, ҳайрон бўлманг,
Боласига ёмонламанг отасини...





ХАЙР ЭНДИ, ХУШ ЭНДИ

Хайр энди, хуш энди,
Орзу-армон туш энди,
Күнгил жонсиз қүш энди,
Хайр энди, хуш энди.

Қадр кутмоқ бесамар,
Дилдан бўлмаса хабар,
Вафо ҳам кетса бадар,
Хайр энди, хуш энди.

Рост кўрмаса кўзимиз,
Ўнг келмаса сўзимиз,
Айбдор танҳо ўзимиз,
Хайр энди, хуш энди.

Дардимиз бўлмай адо,
Додимиз топмай сало,
Зерикса ҳатто Худо,
Хайр энди, хуш энди.

Шукр нима, билмасак,
Зикр нима, билмасак,
Ўйлаб, фикр қилмасак,
Хайр энди, хуш энди.

Ўзни қийнаб нетамиз,
Айро-айро кетамиз,
Бир кун англаб... етамиз,
Хайр энди, хуш энди...

МАЙЛИ-ДА

Майли-да кимгадир ёқсак, ёқмасак...

Мұхаммад Юсуф

Майли-да, сизга биз ёқмасак энди,
Сиз айтган томонға боқмасак энди,
Сиз айтган ариқда оқмасак энди,
Майли-да, сизга биз ёқмасак энди.

Күнглимиң оғритиб, ҳузур қиласиз,
Оғриқ жойин, ахир, яхши биласиз,
Ярага тұз сепиб, тирнаб, тиласиз,
Майли-да, сизга биз ёқмасак энди.

Сиздан куттан әдік дүст нигоҳини,
Күзингиз синдирил гулнинг шохини,
Тингламай қолдингиз күнгил охини,
Майли-да, сизга биз ёқмасак энди.

Бало бүлди бизнинг шайдо күнглимиң,
Күнгил сўзин ёзди хато қўлимиз,
Қадр тилаб бугун айро йўлимиз,
Майли-да, сизга биз ёқмасак энди.

Бизнинг ҳам күнглимиң сўратган бордир,
Күнглимиң күнглига қаратган бордир,
Сизга ҳам, бизга ҳам Яратган бордир,
Майли-да, сизга биз ёқмасак энди...



ЁМОН БҮЛДИМ

Күйладим – бахши бүлдим,
Давралар нақши бүлдим.
Ҳаммага яхши бүлдим –
Ёмон бүлдим ёр учун.

Елгиз эдим – күйганда,
Армонарни туйганда,
Қүнгил учун суйганда,
Ёмон бүлдим ёр учун.

Еримни боғим десам,
Лолали тоғим десам,
Хуш ўтар чоғим десам,
Ёмон бүлдим ёр учун.

Хафа бўлиб оламдан,
Куяр кўнгил ноламдан,
Тикан кўрдим лоламдан,
Ёмон бүлдим ёр учун.

Паст кетса – баланд дедим,
Афсус, яна панд ёдим,
Мен, ахир, яхши эдим..
Ёмон бүлдим ёр учун.



ЭПИГРАММАЛАР

I

Феъли нодонингта шубҳа йўқ зарра,
Фақат амин бўлдик яна бир карра.
Неча бор йиқилиб, бўлсанг ҳам ғурра,
Ўтирган шохингга соласан арра.

II

«Ойни ёпаман» деб бўлма овора,
«Айб бирорда» деб чалма ногора.
Эртакдаги кампир каби, на чора,
Сенинг насибангдир тешик тогора.





ОДАМ

Кияр кийимини кўрмайди баҳам,
Куяр буюмини қизғонади ҳам.
Ўзидан ўзгани қадр айламас,
Бирори бирорин асралас одам.

Чумоли шеригин ташлаб кетмагай,
Бўри ҳам бўрини тишлаб ўтмагай,
Инсон инсонни-да хушлаб кутмагай,
Бирори бирорин асралас одам.

Отани боладан жудо қиларлар,
Болани онага қози биларлар,
Кун келиб «аттанг» деб бағир тиларлар,
Бирори бирорин асралас одам.

Одамнинг аслида изи омонат,
Талашган дунёси, тузи омонат,
Омонат оламда ўзи омонат,
Бирори бирорин асралас одам.

Бобурнинг айтгани армон баётдир,
Кўргани шу аччиқ ширин ҳаётдир,
Кўнгилни асраса — иймон нажотдир,
Бирори бирорин асралас одам.

Темир уловига фидо қилар жон,
Этиқ авайлашга топади имкон,
Мушугу кучукка бўдар меҳрибон,
Бирори бирорин асралас одам...



ЁЛГИЗ ЎТГАН КЕЧАЛАР

Ётибман мен юзтубан,
Бемакону беватан,
Бошга тушди дафъатан,
Ёлғиз ўтган кечалар.

Кунгил ғунчаси сўлди,
Юракка армон тўлди,
Шоми ғарибон бўлди,
Ёлғиз ўтган кечалар.

Дўсту ёр кетди бадар,
Ҳеч кимса олмас хабар.
Ичирди дилга заҳар,
Ёлғиз ўтган кечалар.

Толеим бўлди нигун,
Ёниб-куйдим ким учун,
Чашмим тўкар ашки хун,
Ёлғиз ўтган кечалар.

Бобур айтар – чекма ғам,
Ҳасратинг бўлмайди кам,
Умидларинг бўлсин шам,
Ёлғиз ўтган кечалар...



ЙИГИТ ПИРИ

Санчилса ҳам жабрлар тири,
Пинҳон қолмас макрлар сири,
Таваккалдир танҳо тақдири,
Эр йигитни қўллайди пири.

Ҳаёт мурчми, қанд берганда ҳам,
Кушойиш ё банд берганда ҳам,
Ёру дўсти панд берганда ҳам,
Эр йигитни қўллайди пири.

Ёв қошила чўкмас, букилмас,
Паст олдида синмас, тўкилмас,
Номард тутган қўлга тикилмас,
Эр йигитни қўллайди пири.

Қашқирдан не мурод сўралар,
Арслондан лек арслон тўралар,
Ҳақ ҳоҳиши шундай, жўралар,
Эр йигитни қўллайди пири.

Бўлмаса ҳам чўнтақда мири,
Бўлмаса бас юракда кири,
Икки бўлар, албатта, бири,
Эр йигитни қўллайди пири!





* * *

Гул кулади, ёнида япроқ,
Яхши үтса — юрагим тупроқ.
Сўрамайман молу дунёни,
Менга ишқ бер, Оллоҳим, кўпроқ.

Кўкда юлдуз кулгани сайин,
Юрагимнинг яшнаши тайин.
Сўрамайман еру самони,
Менга дил бер, Оллоҳим, майин.

Топмасант ҳам меҳру садоқат,
Одам севмоқ — бу ҳам саодат.
Сўрамайман қасдан вафони,
Менга баҳт бер, Оллоҳим, фақат.

Ҳайратларим олмайин енга,
Муножотим айлайин сенга.
Сўрамайман дардга давони,
Содиқ дўст бер, Оллоҳим, менга...





ГУЛ

Илдиз қўйиб тупроқни ёрди,
Ниҳол бўлиб қуёшга борди.
Баъзан бўлди — яйради, кулди,
Баъзан бўлди — чарчади, ҳорди.

Синаб кўрди уни саратон,
Қийнаб кўрди уни қаҳратон.
Тошу тўнка аро қисилди,
Селу дўлдан ўтолди омон.

Гулга кириб, гунчалар очди,
Ифорлари жаранглар сочди.
Эшитганинг ҳаваси келиб,
Кўрган кўздан ҳаловат қочди.

Бир гул бўлди — гулки, мукаррам,
Япроқлари шудринглардан нам.
Тикони ҳам юмшоқ, ёқимли,
Хазонида маъно мужассам.

Шундай — гоҳ бўй, гоҳ ранг таратди,
Ҳаммани ҳам ҳайрон қаратди.
Тингани йўқ. Хулоса шулки,
У ўзини ўзи яратди!..





ЭТОЛМАС

Бургут ўлжасига қумурсқалар етолмас,
Арслон насибасин қашқир ёки ит олмас,
Одамзот бирөвга толе хатин битолмас,
Худо хор қылғанни бандаси бор этолмас,
Худо ёр билғанни бандаси хор этолмас.

Эй одам, сен учун бирөв күрмас түшингни,
Аввало худо деб, билиб қылғин ишиңгни,
Золим бўлиб қолма, йигиб олгин ҳушиңгни,
Худо хор қылғанни бандаси бор этолмас,
Худо ёр билғанни бандаси хор этолмас.

Бу дунё охират учун пайкалинг бўлар,
Яхши ё ёмонинг умр сайқалинг бўлар,
Пойингда ётган тош балки ҳайкалинг бўлар,
Худо хор қылғанни бандаси бор этолмас,
Худо ёр билғанни бандаси хор этолмас.

Ҳасадинг бор бўлса, назардан қолдинг демак,
Қалбингга дўзахдан лаъча чўғ солдинг демак.
Таваккулни билсанг, Ҳақни тан олдинг демак,
Худо хор қылғанни бандаси бор этолмас,
Худо ёр билғанни бандаси хор этолмас.

Ой минг озиб-тўлиб қуёш жойин тутолмас,
Юлдузлар товланиб Ой ўрнига ўтолмас,
Ҳар одам сувни ҳам ризқдан ортиқ ютолмас,
Худо хор қылғанни бандаси бор этолмас,
Худо ёр билғанни бандаси хор этолмас!..

МУНДАРИЖА

Хазон шивири

«Үлан айтди...»	3
Бегона	4
Меҳрдан яралғанмиз	5
Давлат қурған одам	6
Ҳайф дерлар	8
Ким қандай яшайды	9
Онам эди	10
Сой бүйіда	11
Дараҳтлар ва одамзот	12
Жой	13
«Ёр кулади...»	14
Иссиқкүл бүйіда	15
Концертда	17
Хазон шивири	18
Үзлатта	20
Арзимайды	21
Бойотани боласи	22
Ҳамшаҳрим	23
Наҳот	24
Ҳаёт ўрмони	25
Гап	26
Тақдир дедим	28
Бу күнлар ҳам	30
Ўзбек қизи	31
Бу гўзал	32
Анорлар ёрилдими	33
Меҳр	34
Эркак дарди	35

Рўмолча	36
«Гул булбулни...»	37
Икки яхши	38
Бахтиёр бўлинг	39

Мумтоз адабиёт соғинчи

«Осмонда эдим...»	41
Навоий ғазалига мухаммас	42
Бобур ғазалига мухаммас	44
Машраб ғазалига мухаммас	45
Феруз ғазалига мухаммас	47
Лоиқдан	49
Расул Ҳамзатовдан	59
Шоирлар	63
Эътироф	65
Афсус	66
«Кўрмаганни кўргани...»	67
Тўртликлар	68
Асиш юзинг	70
Бир дўст ҳақида (тўртликлар туркуми)	71
Тарки дўст	73
«Қалбим бир синган қадаҳ...»	74

Кардиология дафтаридан

Шифокорлар	76
Ҳол сўранг	77
Иш	79
Яқин ўтмишда	80
Аёл кўрдим	81
Отамга мактуб	82
Учради	84
«Хожатим йўқ...»	85
«Тонгдаги нурни кўрсам...»	86

«Юлдузлар кетди оромга...»	87
Йуқлигинг ва борлигинг	88
Бу ҳаёт	88
«Яхши бўлди...»	89
Ёмғир ёғди	90
«Мени эсла...»	91
«Қуёшли...»	91
Юрак ва қалб (тўртликлар туркуми)	92
Икки кун	93
Дуст деб билгайман	94
Салом бўлсин	95
Кўришгунча	96
«Илҳом деб...»	98
«Ўртамиизда...»	99
«Омонат туюлар...»	100
Ҳикоят	101
«Қўзлара...»	104
«Олма отсанг...»	105
Қийин бўлса	106
Чин шоир	107
Аlam қилмас эди	108
Шунчалар	109
Нима бўлди	110
«Насиб этса...»	111
Қўрқаман	112
Балиқлар оламида	113
«Севаман» денг	115
Иккинчи ҳикоят	116
«Юзлар Ою...»	119
Келинчагим	121
Хафа қилсанг	122
Топилмас	123

Тавба қилдим	124
Энди бўлмас	126
«Айрилиқнинг...»	127
Турнагинам	128
Нигор	129
«Тошдан садо...»	130
«Шабнамим...»	131
«Ишқ уммонига...»	132
Дардингни бер	133
«Бўлмай кетди...»	134
Бу туйғу	135
Келар	136
Жоним атиргул	137
Юрагим	138
Мажнунтол тагида	139

Ёлғиз ўтган кечалар

Қадринг билар ёр бўлмаса	141
Бир кун келиб	142
«Жон-жонимдан...»	143
«Дунё иши...»	144
«Топдим деманг...»	145
Хайр энди, хуш энди	146
Майли-да	147
Ёмон бўлдим	148
Эпиграммалар	149
Одам	150
Ёлғиз ўтган кечалар	151
Йигит пири	152
«Гул кулади...»	153
Гул	154
Этолмас	155

Адабиий-бадиий нашр

Бобур Бобомурод

ЮРАДИМ

Шеърлар

Муҳаррирлар Жонибек Субҳон, Илҳом Зойир

Мусаввир Артур Кан

Бадиий муҳаррир Анатолий Бобров

Техник муҳаррир Татьяна Смирнова

Мусахҳих Гулчехра Жуманова

Фотосуратчи Ҳусниддин Ато

ИБ № 4398

Босишга 16.02.06 да рухсат этилди. Бичими 70x90¹/₃₂.
Таймс гарнитураси. Офсет босма. 5,85 шартли босма табоқ.
6,5 нашр босма табоги. Жами 3000 нусха. 21-2006 рақамли
шартнома. 39 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Faafur Fулом номидаги нацириёт-матбаа ижодий уйи.
700129 Тошкент, Навоий кўчаси 30
700128 Тошкент, Усмон Юсупов кўчаси 86.